

Муваффақият формуласи

ХАРОБАДАН ЧИККАН МАШҲУРЛАР

Франклин, Есенин, Тайсон, Роулинг,
Жеки Чан ва бошқалар

Бу инсонларнинг
ҳаммасига ҳам ҲАВАС
ҚИЛИБ бўлмади

Ғам-Ташвишлар
олиб келган
МИЛЛИОНЛАР

Миллиардер
хонимнинг даҳшатли
ЎТМИШИ

Кимдир қарзга БОТГАН, кимдир
ОЛТИН васвасасига дучор


Янги китоб

Муваффақият формуласи

ХАРОБАДАН ЧИҚҚАН МАШҲУРЛАР

*Франклин, Есенин, Роулинг, Жеки Чан
ва бошқалар*

Тошкент
«Янги китоб»
2019



УЎК: 159.9:001(092)

КБК: 84(5Ў)7

Н23

Намозов, Анвар

Харобадан чиққан машхурлар [Матн] / А.Намозов. – Тошкент: Янги китоб, 2019. – 224 б.

ISBN 978-9943-5544-0-5

УЎК: 159.9:001(092)

КБК: 84(5Ў)7

Машхур бўлиш, доврўқ қозониш осонми? Оммага танилиш инсоннинг хоҳиш, иродасига боғлиқ ҳолда кечадими? Ёки бу тинимсиз меҳнатни талаб қиладиган жараёнми? Мазкур саволларга ушбу китобдаги машхур инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўқиб, ўзингиз жавоб топасиз. Зеро, оддий, қашшоқ оиладан чиқиб, дунё миқёсида танилган кишиларнинг яшаш тарзи кўпчилик учун қизиқарли. Машхурликдан сўнг ўзига яраша бойлик, мол-давлат ҳам инъом этилади. Гап қайси йўл билан доврўқ қозонишда.

Бундай инсонлар ҳамisha диққат марказида. Уларнинг омма назаридан четда қолиши камдан-кам рўй беради. Шу боис ҳам машхур инсонларнинг хурмача қилиқлари, қуюшқондан чиқиш ҳолатлари ҳам эътиборда бўлади.

Ўқинг, уқинг ва ўзингизнинг муваффақият формулангизни кашф этинг, ҳурматли китобхон!

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

Анвар Намозов

Тақризчилар:

Норкул Бекмирзаев,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,

Халқаро антик дунё илмий академияси академиги ва совриндори,


Миршароф Содиқов,

иқтисод фанлари номзоди, доцент,

Ўзбекистон психологлар уюшмаси аъзоси,

Иzzат Аҳмедов,

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.



© Анвар Намозов.
© «Янги китоб» МЧЖ, 2019.

МУНДАРИЖА

Серқирра ижод ва судлашувлар	4
Дунёни лол қолдирган ўн бешинчи ўғил	12
Жимжит дунёдаги даҳо	22
Бир умрлик қарзлар гирдоби	31
Адибнинг уч муҳаббати	39
Ижод ва савдойилик оралиғида	46
Совуқ ўлкаларда қолган армонлар	54
Машҳурлик йўлидаги жудоликлар	63
Юракка узилган ўқ.....	72
Қон билан ёзилган шеър	81
Чандиқ юзли каллакесар.....	87
Мангу муҳаббат тарихи	94
Шоҳаншоҳнинг парвози ва қулаши.....	101
Омад сари интилган панжоблик йигит	107
Бир долларлик муваффақият	115
Машаққатли, муваффақиятли ва... шармандали йўл	126
“Диско раққоси” ёхуд қашшоқ ва бадавлат	
Жимми афсонаси.....	138
Икки эр, иккинчи хотин ва... калтаклар	147
Миллиардер аёлнинг муваффақият йўли.....	154
Ҳеч қачон Брюс Ли бўла олмаган Жекки Чан.....	164
Каратэ туфайли доврўғи таралган йиғлоқи	173
Китоблари миллионлар олиб келган хоним	184
Бокс қироли ҳаётидаги нокаутлар	196
“Форсаж”даги паҳлавон.....	207
Кичик юлдузнинг катта ташвишлари	215

СЕРҚИРРА ИЖОД ВА СУДЛАШУВЛАР



Уильям Шекспир – инглиз драматурги ва Уйғониш даврининг шоири, қирол труппаси актёри. “Венера ва Адонис” (1593, мифологик сюжет), “Лукреция” (1594, Рим тарихи) каби жами 4 та достон, 154 та сонет ва 37 та пьесани ўз ичига олган “Шекспир канони” муаллифи. Шекспир театр санъати ривожига

улкан таъсир кўрсатган. Унинг трагедиялари жаҳон адабиёти дурдоналари сафидан ўрин олган. Шекспир асарлари бугунги кунда ҳам дунё саҳнаси-дан тушмай келаётир. Шунча самарали меҳнати ва шон-шуҳратига қарамай, Уильям Шекспир ҳеч қандай мукофот олмаган, диплом билан ҳам тақдирланмаган...

Туғилгани... аниқ эмас!

Уильям Шекспир Шимолий Лондондан 1600 чақирим олисдаги, аҳолиси 1500 киши бўлган Стратфорд-Эйвонда туғилган. Бу шаҳарча қўйларни сўйиш ва сотиш ҳамда тери савдоси маркази эди.

Шекспирнинг таваллуд санаси маълум эмас. 1564 йилнинг 26 апрелида чўқинтирилгани ёзиб қолдирилган, холос. Елизавета I замонида туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилмагани боис, бу санани расмий шаҳодатнома дейиш мумкин. Чўқинтириш туғилгандан бир неча кун ўтганидан сўнг ўтказилгани сабабли, Шекспир 1564 йилнинг апрель ойида туғилгани ҳақиқатга яқин. Унинг 23 апрелда дунёга келгани ҳеч қандай тарихий асосга эга эмас (ўша пайтларда чақалоқларни 3 кундан сўнг чўқинтиришган). Бироқ ажабланарлиси шундаки, у 1616 йилнинг айнан шу

кунида ҳаётдан кўз юмган. Бу авлиё Георгий, яъни Англия олижаноб ҳомийсининг байрами эди, шундай экан, улуг инглиз драматургининг таваллуд санасини яхши кун деб ҳисоблаш мумкин.

Уильям Шекспир шитерфилдлик косиб Жон Шекспир ва Мэри Арденнинг ўғли эди. Улар 1557 йили турмуш қуришди ва машхур драматург туғилган деб ҳисобланган Хэнли-Стрит кўчасидаги уйда яшай бошлашди. Оиладда саккиз нафар фарзанд бор эди: Жоан (1558 йил 15 сентябрда чўқинтирилган, кичкиналигида вафот этган), Маргарет (1562 йил 2 декабрда чўқ., 1563 йил 30 апрелда дафн этилган), Уильям; Гилберт (1566 йил 13 октябрда чўқ., 1612 йилнинг 2 феввалида дафн этилган), Жоан (1569 йил 15 апрелда чўқ., 1646 йил 4 ноябрда дафн қилинган), Энн (1571 йил 28 сентябрда чўқ., 1579 йил 4 апрелда дафн этилган), Ричард (1574 йилнинг 11 мартда чўқ., 1613 йил 4 февралда дафн қилинган), Эдмунд (1580 йил 3 майда чўқ., 1607 йил 31 декабрь куни Лондонда дафн этилган).

Оила бошлиғи Жон Шекспир Уильям туғилгунга қадар жун газлама олибсотарлиги учун жавобгарликка тортилган ва олдермен унвони бекор қилинган эди. Мазкур хонадоннинг Рим-католикликка майли бўлгани ҳақида айрим маълумотлар мавжуд.

Шекспирнинг қаерда таҳсил олгани ҳақида ҳам аниқ манба йўқ. Афтидан, у 1553 йили Стратфордда очилган бепул мактабда ўқиган. Мазкур билимгоҳ уларнинг уйдан чорак чақирим нарида эди. Мактабни ўз номи билан юритган қирол Эдуард VI “бутун қироллик бўйича яхши адабиётларни тарқатиш” мақсадида бу даргоҳни маблағ билан таъминларди. Таълимнинг маълум қисми тилни яхши ўрганиш, лотинда томошалар уюштиришдан иборат эди. Шекспирнинг олий маълумот олгани борасида манбалар қолдирилмаган.

У Стратфордда доимий яшаган вақтида театр труппалари шаҳарга камида 12 марта ташриф буюрарди. Жумладан, амалдорлар учун икки бор чиқиш қилинар, томо-

шабинлар орасида эса Жон Шекспир ҳам бўларди. У суд нозири сифатида труппанинг чиқишлари учун рухсатнома берарди.

Шошилинч тўй

1582 йилнинг 28 ноябрида Стратфордга яқин Тэмпл-Графтонда 18 ёшли Уильям Шекспир 26 яшар Энн Хататуйга уйланди. Қизнинг икки қўшниси Фулк Сэндэлс ва Жон Ричардсон мазкур никоҳ учун ҳеч қандай ҳуқуқий тўсиқ йўқлигига кафолат беришди. Афтидан, тўйга шошилинч тайёргарлик кўрилган, уларнинг тўнғич қизи Сусанна 1583 йил 26 майда, яъни тўйдан 6 ой ўтиб дунёга келди.

Эгизаклар – ўғил Хамнэт ва қизалоқ Жудит 1585 йилнинг 2 феввалида чўқинтирилди. Хамнэт 1596 йили, Сусанна 1649 ва Жудит 1662 йили вафот этди.

Эгизаклари туғилганидан сўнг ва Лондон театри сахнасидаги ишлари эса олинмагунча, онасининг мулки учун судга мурожаат қилганидан ташқари, Шекспир ҳеч қандай тарихий из қолдирмаган. 1585 ва 1592 йиллар орасидаги етти йилни Шекспирнинг йўқотилган йиллари дейиш мумкин, чунки бу вақтда унинг қаерда бўлгани, нима сабабдан Стратфордни тарк этганини исботловчи ҳеч қандай маълумот учрамайди.

Уйланган эркак сифатида Шекспирнинг университетда таҳсил олишга ҳаққи йўқ эди. Қолаверса, у жиддий актёрлар гильдиясига расмий равишда қабул қилинмасди. Бироқ “ўқувчилик даргоҳи” ҳисобланган айрим компаниялар ҳам бўлганки, уларнинг қатъий талаблари Шекспир учун имконият эди.

Бу пайтда Шекспирлар оиласи аллақачон жентльменлар ҳуқуқий ҳолати ва гербини олишни хоҳларди. Уильямнинг отаси Жон, худди хотини каби, насл-насаби жиҳатидан герб олишга ҳаққи бўлган. У геральд палатасига мурожаат қилиши мумкин эди, бироқ моддий аҳволининг ёмонлашгани бунга халақит берган. Арзнома 1596 йили – ишлари гуллаб-яшнаётган Уильям ташаббуси би-

лан тақдим этилди. Гербга “ҳуқуқсиз эмас” жумласи илова қилинди, бироқ ўша пайтда у қўлланилмади. Дарвоқе, ижтимоий ҳуқуқий ҳолатнинг тикланиш мавзуси Шекспир пьесаларида учрайди.

1596 йили у авлиё Еленадаги Бишопгейтга кўчиб ўтди, 1598 йили эса Бен Жонсон ёзган “Every Man in His Humour” пьесаси актёрлари рўйхатининг юқорисидан жой олди. Шунингдек, Жонсон қаламига мансуб “Sejanus: His Fall” пьесаси актёрлари рўйхатига ҳам киритилди. Ўша йилдан эътиборан Шекспирнинг исми унинг асарлари нашрида пайдо бўла бошлади.

Драматурглик фаолиятдан ташқари, Шекспир ўзининг спектаклларида ҳам роль ижро этган деган фикрлар бор, масалан, у Гамлет отасининг арвоҳини ўйнаган...

Тахминан 1599 йили Шекспир Темза орқали Саутуаркка кўчиб ўтди. Кейин эса хотинининг хархашаларидан безор бўлиб, Лондонга ташриф буюрди.

Кутилган (ёки кутилмаган) ҳамла

Унинг биринчи пьесаси “Генрих VI” шу йилларда ёзилган. Асарлари тилга олина бошлангач, ўша пайтда Лондон саҳналарида “ҳукмронлик” қилган Роберт Грин бошчилигидаги драматурглар гуруҳи томонидан ҳамлага дуч келди. Улар Шекспирни ўзларининг патқаламига тенглашмоқчи бўлган қарғага қиёс қилишди. Роберт Грин ёш драматургни “маҳмадона” ҳисоблади. У Шекспир қаламига мансуб “Генрих IV” пьесасининг учинчи қисмидаги “О, аёл терисидаги арслон юраги!” жумласини ҳажвий тарзда “Муғомбир терисидаги арслон юраги” деб ёзиб чиқди. Биринчи акс-садо шундай эди.

1592 – 1594 йилларда вабо касаллиги туфайли театрлар ёпиб қўйилди. Орадаги мажбурий танаффус вақтида Шекспир “Ричард III” хроникаси, “Хатолар комедияси”, “Қайсарнинг қуйилиши” комедиялари ва биринчи трагедияси бўлмиш “Тит Андроник” ҳамда “Венера ва Адонис”, “Лукреция” достонларини ёзди. Театр иш бошлагач, у

Хандсон ҳомийлигидаги лорд-камергер труппаси таркибига кўшилди. Грин гуруҳи сахнадан кетди. Шекспир даври бошланди.

1594 йилнинг охирида Шекспир Lord Chamberlain's Men театрининг шериклиқдаги хўжайинига айланди. Ўша замондаги бошқа муассасалар каби ушбу даргоҳ ҳам оқсуяк-ҳомий лорд Чемберлен шарафига шундай номланганди.

1595 – 1596 йилларда Шекспир “Ромео ва Жульетта” трагедиясини, ортидан эса “Венециялик савдогар” комедиясини ёзди.

1599 йили “Глобус” театри очилди. Ўша йили у “Юлий Цезарь” трагедияси ва “Бу сизга ёқадими?” комедиясини ёзди. Бир йил ўтиб эса “Ҳамлет”ни яратди. Шу билан “улуғвор трагедиялар” даври бошланди. Кетма-кет “Отелло” (1604), “Қирол Лир” (1605), “Макбет” (1606) ёзилди. Комедиялар оҳанги жиддийлашди, “Троил ва Крессида” (1601 – 1602), “Яхши бўлганида ҳаммаси яхши тугайди” (1603) каби баъзи асарлар эса маҳзунлашди.

Шекспирнинг драматургияни “ичкаридан” билиши пьесалари дунё миқёсида шуҳрат қозонишини таъминлади. У 1603 йилгача сахнада роллар ўйнади, бу даврдан кейинги ижросидаги спектакллар ҳақида эса маълумотлар йўқ. Шекспирнинг нима сабабдан актёр сифатида шуҳрат қозонмагани сабаби эса иккинчи даражали ва эпизодик ролларни ўйнагани билан боғлиқ. Ҳар ҳолда сахна мактаби босиб ўтилган – бу иш актёрларнинг томошабин билан ўзаро муносабатларини ўрганиш ва англашига мислсиз ёрдам берди. Шекспир учун асарларининг томошабинбоп бўлиши муҳим эди, шу боис барча пьесаларини сахналаштирган “Глобус” театри билан мустаҳкам алоқада бўлди.

Ғавғоли гувоҳлик

“Глобус” турли ижтимоий ва мулкӣ қатламдаги 1500 нафар томошабинни ўзида сиғдирарди. Драматург ва актёрлар олдида турли-туман доирадаги томошабинлар

диққатини бир тарзда жалб этишдек мураккаб вазифа турарди. Шекспир пьесалари ҳар жиҳатдан бу талабга жавоб берарди. Унинг репертуари туфайли кўплаб актёрлар номи жаҳонга танилган.

Ҳуқуқий ва молиявий масалаларга оид турли ҳужжатлар Лондонда истиқомат қилган даврида Шекспирнинг анча бойиб кетганини тасдиқлайди. У Блэкфриарс, Лондондан кўчмас мулк ва Стратфорд, Нью-Плейсдан улкан уй сотиб олиш имкониятига эга эди.

1603 йилнинг 24 мартида Елизавета I вафот этгач, Англия тожи Яков I га кийдирилди. Театр труппаси унинг тасарруфига ўтди. Шекспир эса Стратфордга кетгунга қадар “Антоний ва Клеопатра”, “Кориолан”, “Афиналик Тина” пьесаларини ёзди. Кейин эса 1610 – 1612 йилларда “Қиш эртаги” ва “Тўфон” асарларини яратди.

1604 йили хўжайинининг қизи турмушга чиқди ва Шекспир тўйда гувоҳ сифатида қатнашди. 1612 йилги ҳужжатлар унинг бош кийимлари ишлаб чиқарувчи гугенот (француз протестанти) Кристофер Маунтжойнинг ижарачиси бўлгани ва шу иш юзасидан суд текшируви бўлганини кўрсатади. Маунтжойнинг шогирди Стифен Беллот унинг қизига уйланаётганида Шекспир сеп масаласида воситачи (гувоҳ) эди. Драматург ўзаро келишув олиб бориши керак бўлган. Тўй ўтди, бироқ орадан саккиз йилдан сўнг Беллот қайнотасини судга берди. У сеп-сидирғанинг фақат маълум қисми берилганини айтиб, даъво қўзғаган эди. Судга чақирилган Шекспир тафсилотлар ёдида қолмаганини маълум қилди.

1613 йили у Блэкфриарсдаги собиқ монастир қоровулхонасини сотиб олди. Ўша йили июнь ойида Шекспирнинг қизи Сюзанна Жон Лейн сўзак касалини юқтирганини айтиб, унга туҳмат қилди. Сюзанна ва эри судга мурожаат қилишди. Суд мажлисига бормаган Сюзанна бўҳтончиликда айбланди. 1614 йилнинг ноябрида Шекспир бир неча ҳафтани Лондондаги куёви Холлнинг уйида ўтказди.

Ноодатий, мураккаб

Шекспирнинг биринчи пьесалари 1590 йил бошларида, охириги 1612 йилда ёзилган. Шундай экан, унинг ижод йўли унча узоқ эмас – йигирма йилдан сал кўпроқ. Бироқ мана шу икки ўн йилликда Шекспир драматургияда улкан ўзгариш ясади.

Унинг дастлабки комедияларида ўша пайтда урф бўлган қувлик, маккорлик мавзуси учрамайди. Хурсандчилик учун хурсандчилик, ҳазил учун ҳазил қиладилар. Қаҳрамонларнинг барчаси серқирра, психологик ечимлар – мураккаб ва хилма-хил. Шекспир комедиялари қаҳрамонлари ҳамisha ноодатий, улар тимсолида Ренессанс даври хислатлари жам бўлган: эркинлик, ўткир ақл, мустақилликка интилиш ва, албатта, ғам-ғусса ила ҳаётни севиш.

Айтиш жоизки, ҳатто комедиянинг масхарабозларча саҳналарида ҳам Шекспир мураккаб реалистик феъл-атворларни яратади (“Хатолар комедияси”). Бундай асарларда эркакларга хос эмин-эркинлик, серғайратлик, фаоллик ва ёқимтойлик аёллар тимсолида гавдаланиши, айниқса, эътиборга моликдир.

Унинг пьесалари тили мисли кўрилмаган тарзда бой: филолог ва адабиётшуносларнинг тадқиқотига кўра, Шекспир луғати 12000 – 15000 сўзни ташкил этгани аниқланган. Қаҳрамонлар нутқи турли истиора, киноя, қочиримлар билан бойитиларди. Драматург ўз пьесаларида XVI аср лирик шеъриясининг кўплаб шакллари – сонет, канцон (миллий колорит сақланиб ёзилган содда мусиқий асар), эпиграмма (никоҳ тўйи қўшиғи) ва бошқалардан фойдаланган.

Ҳаётининг сўнгги йилларида Шекспир адабий фаолиятдан узоқлашди ва оилавий даврада сезилмай яшади. Афтидан, бунга оғир касаллиги сабаб бўлган – 1616 йил 15 мартда шошма-шошарлик билан ёзилган васиятномаси шундан далолат беради.

Унинг асарлари... ўзиникими?

XVIII асрдан бошлаб ҳозирги кунгача Шекспирнинг пьесалари мутлақо бошқа кишига тегишли эканлиги ҳақида тахминлар юради. Икки асрдан зиёд вақтки, бундай фаразлар замирида муаллиф “роли”да ўттизга яқин инсонлар – Френсис Бэкон ва Кристофер Марлодан тортиб қароқчи Фрэнсис Дрейк ва қиролича Елизаветагача бўлган даъвогарлар тилга олинган. Шекспир номи остида бутун бошли муаллифлар жамоаси иш юритган деган тахминлар ҳам мавжуд. Бунга эса драматургнинг кўп қиррали ижоди сабаб бўлган: трагедия, комедия, тарихий йилнома, ҳиссий-фалсафий шеърят – машхур сонетларни эслаш кифоя. Ҳатто санаб ўтилганлардан битта жанр олинганда ҳам Шекспир ҳайратомуз тарзда кўп қиррали бўлгани ойдинлашади. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам – драматург ва шоирнинг шахси ҳақида ҳали-бери нуқта қўйилмайди – Ренессанс даҳосининг ёзганлари аввалгидек бутун дунё режиссёрлари ва актёрларига илҳом бераверади.

Вафотидан бир неча йил аввал Шекспирнинг Стратфордни тарк этгани ҳақида илк маълумот берган биограф Роу ҳисобланади. Бироқ ўша даврда ишдан бутунлай узоқлашиш ноёб ҳодиса бўлиб, Шекспир Лондонга боришни канда қилмаган.


Драматург ҳаётининг сўнги ҳафтасида қизи Жудитга уйланган Томас Куини исм-шарифли киши хиёнаткорликда айбланди. Маргарет Вилер исмли аёл бола кўрган ва унинг отаси Куини эканлигини айтиб, жар солганди. Орадан кўп ўтмай, аёл ва чақалоқ ҳаётдан кўз юмишди. Шекспир қизи Жудитга тегишли меросга Куинининг дахл қилмаслиги учун васиятномани яхшилаб кўриб чиқди.

1616 йилнинг 23 апрелида барча замонлар ва халқларнинг энг машхур драматурги 52 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Унинг сўнги авлоди Сюзанна ва Жон Холлнинг қизи Элизабет Холл ҳисобланади. Бугунги кунда машхур драматургнинг бевосита авлодлари йўқ, бироқ мемуарчи Жон Обри ёзиб қолдиришига кўра, чўқинтирилган Уильям Да-

венант ўзини Шекспирнинг ўғли ҳисоблаган. Унинг онаси шароб ишлаб чиқарувчи бўлиб, бир куни Оксфордга кетаётиб йўл устида Лондонда Шекспирнинг уйида бўлган экан.

Шекспир Стратфорддаги авлиё Троица меҳробида кўмилган. У улуғ драматург бўлгани учун эмас, балки катта миқдордаги тўловни амалга ошириб келгани боис бу шаарафга лойиқ деб топилган. Қабрдан унча узоқ бўлмаган деворда қариндошлари ўрнатган ёдгорлик эса Шекспирнинг ёзаётган ҳолатини ўзида жо этган. Ҳар йили драматургнинг таваллуд кунида ёдгорликдаги Шекспирнинг кўлидаги ғоз пати янгиланади. У қабр тошига битилган сўзларни ўзи ёзган муаллиф ҳисобланади.

ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ЎН БЕШИНЧИ ЎГИЛ



Ишлайдиган калит ялтираб туради.

Бенжамин Франклин

Бенжамин Франклин – сиёсий арбоб, дипломат, олим, кашфиётчи, журналист, ношир бўлган. У АҚШ мустақиллиги учун курашган раҳнамолардан бири. Америка Катта Давлат Муҳри (Буюк

муҳр) дизайнини ишлаб чиқишга улкан ҳисса қўшган. Россия фанлар академиясининг хориждаги аъзоси бўлган биринчи америкалик. Франклин – уч муҳим тарихий ҳужжатни ўз имзоси билан мустаҳкамлаган ягона шахс ҳисобланади. Мазкур ҳужжат Америка Қўшма Штатлари декларацияси, Конституция ва 1783 йилги Версаль тинчлик шартномаси эди (Иккинчи Париж тинчлик шартномаси). Ушбу битим

Шимолий Американи Буюк Британиядан озод қилиш учун олиб борган мустақиллик кураши якунланганини расмий равишда тасдиқлаган. У Америка конституцияси муаллифларидан бири, “Пул, бу – вақт” ибораси муаллифи (“Ёш савдогарга маслаҳатлар” китоби, 1748). Бенжамин Франклин сиймоси 1914 йилдан буён АҚШ федерал захира тизимининг юз долларлик пулида акс этмоқда...

Камбағал, аммо ўртамиёна эмас...

Бенжамин Франклин 1706 йилнинг 17 январида Бостонда кўп болали оилада туғилган. Унинг отаси Жозайа Франклин (1652 – 1745) англиялик муҳожир бўлиб, унча катта бўлмаган устахонасида совун ва шам тайёрлар, бу маҳсулотларни Бостон бозорига етказиб берарди. Онаси Абиа Фолгер эса Жозайа Франклиннинг иккинчи хотини эди. Ҳатто ўша оғир дамларда ҳам Франклинлар оиласи катта бўлган: Жозайанинг биринчи никоҳидан етти, иккинчи никоҳидан ўн нафар фарзанди бор эди. Амакиларидан бирининг номи қўйилган Бенжамин ўн бешинчи бола бўлган.

Аслида Франклинлар авлоди уч юз йил мобайнида Нортгемптонширдаги Эктон қишлоғида, унча катта бўлмаган ўттиз акрлик ерда яшаган (1 акр – 0,4047 гектар). Қизиғи, бу маскандан бор-йўғи ўн икки миля нарида Жорж Вашингтонга мерос бўлиб қолган Салгрейвлар мулки жойлашган эди.

Эктондаги ўттиз акрли ҳудуд Франклинларнинг ҳаммасини боқа олмас ва кўҳна анъаналарига кўра тўнғич ўғилга темирчилик касби ўргатилиши керак эди.

Бенжаминнинг бобоси Том, Жон, Бенжамин ва Жозайа исмли тўрт нафар ўғилнинг отаси бўлган. Улар шунчаки ўртамиёна одамлар эмас эдилар. XVII аср Англияси истиқболли келажакни кўзлаган мамлакат халқларини сийламас, бироқ ақа-ука Франклинлар фавқулодда истеъдодларини очишга қодир эдилар.

Тўнғич ўғил Томас оила анъанасига амал қилиб темирчилик қилишга бел боғлади. Аммо унинг мислсиз лаёқати ҳудуддаги энг нуфузли киши, ибодатхонага қатновчи Палмернинг эътиборини тортди. У Томас ва укаларининг ўқишлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатди.

Палмернинг кўмаги туфайли Томас адвокатлик соҳасини эгаллади ва Нортгемптон шаҳри ва графлигининг ижтимоий ҳаётига молик муҳим ишларни амалга оширди. У оддий деҳқон оиласидан чиққанларни юксак баҳоловчи лорд Галифакс рағбати ва ҳомийлигидан унумли фойдаланди. Лорднинг оддий халқдан чиққан одамларга хайрихоҳ ва дўстона муносабати камдан-кам учрайдиган воқеа эди. Аслини айтганда, юксак иқтидорли Томас Франклин шунга муносиб ҳам бўлган.

Бенжамин Франклин феъл-атворидаги кўп хислатлар ана шу амакисидан ўтган. Ўғлига ёзган мактубида у шундай деганди: “Томас амаким 1702 йили, менинг туғилишимдан роппа-роса тўрт йил аввал вафот этган. Ёдимда, бир неча қария у кишининг феъл-атвори ҳақида гапириб берганида сен бизнинг феъл-атворимиз ўхшашлигидан хайрон қолгандинг. “У киши тўрт йил кейин ўлганида гўё руҳи сизга кўчиб ўтган бўларди”, – дединг сен”.

Отанинг энг яхши хислати

Франклин яна бир амакиси Бенжаминни шахсан яхши танирди. У Франклинларнинг Бостондаги уйига келиб, бир неча йил бирга яшаган. “Бенжамин амаким фавқулудда истеъдодли эди”, деб ёзганди Франклин. Дарҳақиқат, жун ипларни бўёвчи бу одамнинг вафотидан сўнг иккита катта дафтарда ёзилган шеърлар қолди. Бенжамин ўзининг матнни шартли белгилар билан тезкор ёзув тизимини яратган ва жиянига ўргатганди. Франклин Лондонда бўлганида амакиси томонидан 1641 – 1717 йилларда ёзилган сиёсий рисолаларнинг саккиз томини топди.

Жозайа Франклиннинг эса акаларига нисбатан маълумоти унча яхши бўлмаган. У Англияда бўёқчи эди, Америкага кўчиб ўтишгач, талай ишларга бош суқиб кўрди.

Алал оқибат совунгар ва мум шам ишлаб чиқариш бўйича мутахассисга айланди. Жозайа умумий маълумоти бўйича ярқ этиб турмаса-да, туғма қобилиятли шахс эди. У яхши чизар ва афтидан ўғлига графикага оид иқтидорини юқтирган эди. Бунинг ҳосиласи ўлароқ Бенжамин келгусида матбаачилик касбини эгаллади ва катта муваффақиятларга эришди. Жозайа мусиқа асбобларини яхши чалар, чиройли куйларди ҳам. Унинг ўз ҳунарини такомиллаштиришига замин яратган механика, технологияга иштиёқи бор эди. “Отамнинг энг яхши хислати ҳар қандай мураккаб масаланинг туб моҳиятига етиш, ижтимоий ёки шахсий бўлишидан қатъи назар, бу ҳақда соғлом фикрлаши эди”, – деб ёзганди Бенжамин Франклин.

Жозайанинг соғлом фикрлаши, одамларга хайрихоҳ муносабати, ҳақиқатни чуқур ҳис этиши туфайли дўстлари ва танишлари баҳс-мунозарали масалаларда доимий равишда унга мурожаат қилардилар. У доимо хизматга шай ва интилувчан эди. Ҳаммасидан кўра ёқимли, дилкаш суҳбатни хуш кўрар, аксар ҳолларда тушлик дастурхони атрофида дўстлар ва кўни-кўшнилар йиғилишарди. Камтаргина овқатланиш қизиқарли, мароқли суҳбатга айланарди. Бу Франклин фарзандлари учун ўзига хос таълим мактаби эди. Бенжамин асосан отасига боғланиб қолганди, ўз таржимаи ҳоли ва мактубларида кўплаб самимий, ёқимли сўзларни падари бузрукворига бағишлагани сабаби шунда.

Бенжамин Франклиннинг онаси Абиа Фолгер ҳам фавқулодда истеъдодли кишилар оиласидан бўлган. Унинг отаси Пит Фолгер Америкага кўчиб ўтган ва Англиянинг шимолий Америкадаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида муайян из қолдирганди. Бўлажак арбобнинг тоғаси нафақат моҳир нотик, балки бадий сўзнинг яхшигина устаси ҳам эди. У ижтимоий мавзуларда шеърлар ёзарди. Мустамлакаларда босмахона бўлмаган, шу боис мазкур шеърлар қўлёзма ҳолида одамлар орасида тарқаларди. Фақат биттаси босилган. Мазкур шеър ўша даврда долзарб бўлган виждон эркинлиги ҳақида эди.

Жозайа Франклин ҳам виждон эркинлигининг содиқ курашчиси эди. Океан ортига ёш болалари билан дин эркинлигини истаб боргани боиси ҳам шунда. Ваҳоланки, у Англияда тўқ яшаган. Ҳар ҳолда Жозайа Франклин бошқалардан фарқли ўлароқ бир бурда нон топиш учун Америкага йўл олмаганди.

Ҳайратомуз мактуб

Оиладаги етишмовчиликка қарамай, ота ва она ўртасида моддий масалада ҳеч қандай жанжал бўлмасди. Бир-бирлари ва болаларга бўлган тенг, осойишта муносабат улар хонадонидаги доимий меъёрий ҳолат эди. Фарзандлардан ниманидир талаб қилиб ёки уларга ниманидир рад этишганида ҳамиша, ҳамма вақт бунинг сабабини тушунтиришарди. Ота-она амри болалар учун қонун ҳисобланиб, уларнинг айтгани сўзсиз адо этилгани сабабларидан бири ҳам шунда бўлса керак эҳтимол.

Франклинлар болалари тўла маънода эмин-эркин, жисмонан бақувват, шодмон бўлиб ўсишди. Ота доимий равишда ҳовли чеккасидаги устахонада банд бўларди. Она эса улкан оила ташвишлари ва оғир юмушларга кўмилган, болаларга қарашга ҳоли бўлмас, вақти ҳам етмасди. Етти-саккиз ёшларидан қизлар онасининг ёрдамчисига айланишди. Улар кичкинтойларга қарашар, кўлларидан келганча уй ишларига кўмаклашишарди. Ўғиллар эса бошланғич маълумот олиб, қандайдир касибга шогирдлиikka борадиган бўлдилар, мутахассисликни эгаллаб, катта оила ташвишини енгиллатишга ҳаракат қилишди.

Уйда ҳамма-ҳамма – она, ота, фарзандлар оддий, дағал кийинишар, эрта ёшдан овқатланиш, ҳар қандай масалада тежамкорлик қилишга ўрганишганди.

Бенжамин болалигидаёқ сузишни пухта ўрганди, у яхши эшкакчи ҳам эди. Ўз вақтида тижорат бобида режа тузар экан, сузишни ўргатувчи профессионал мактаб очиш ҳақида ҳам ўйлаган. Пиёда сайр қилиш, сузиш, эшкак эшиш, саёҳат қилиш, махсус жисмоний машқлар,

меҳнатга муҳаббат – буларнинг ҳаммаси умри охиригача Бенжамин Франклин ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Оиладаги муҳит унинг истеъдод қирралари очилишига ёрдам берди.

Бироқ Франклин ҳаёт йўлидаги жиддий тўсиқ – оиланинг камбағаллиги бошланғич маълумотни олишига йўл қўймади. Ҳатто энг оддий эҳтиёжлар ҳам қондирилмас, рўзғор юритиш ҳаддан зиёд оғир вазифага айланарди. Жозайа қўл қовуштириб ўтирмай, ҳамон эрталабдан кечгача ишларди.


Меҳнаткаш Франклинлар хонадонида оиланинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасига эга бўлиб, болалигидан ҳар нарсага қизиқувчан Беннинг талай саволларига жавоб беришга имкон йўқ эди. Катталардан жавоб олмагани боис у қизиқувчанлигини ўзи қондиришга мажбур эди. Бен теварагига диққат билан қараб, тушуниш қийин бўлган ҳолатларни аниқ англаб олишга интиларди.

Акалари ва опалари дарс қилаётганини кузатган Бенжамин ўқиш ва ёзишни беш ёшида мустақил ўрганди. Ўқишга бўлган муҳаббат унинг бутун умрлик кучли иштиёқи ва дунёни ўрганиш, билимини оширишнинг асосий манбаига айланди. Илм-фаннинг турли тармоқларидаги улкан билимлар Франклиннинг мустақил ўқигани ва мутолаа қилгани туфайли эди. У даҳо даражасида якка ўзи ўрганган инсон эди.

Бўлажак даҳо саккиз ёшида Англияда яшайдиган адаши – Бенжамин амакисига хат ёза бошлаганида амакиси унинг чуқур ва ёрқин мазмунли мактубидан ҳайратга тушди. Бу хат муаллифи саккиз ёшда эканлигига ишониш қийин эди. Бенжамин акасига мактуб ёзиб, болани албатта грамматика мактабига бериш, келгусида университетда таҳсил олиши учун замин яратиш кераклигини тушунтирди.

Эҳ, етишмовчилик!

Аммо жажжи Бенжамин бир йил мактабга қатнади, холос. Етишмовчилик туфайли ота ўғлини бу даргоҳдан қайтариб олишга мажбур бўлди. Бенжаминни ёзув ва ариф-



метика ўргатиладиган мактабга қўйдилар. Бу келгусида косибчиликка ярайдиган қандайдир амалий ёндашув эди.

Бенжамин арифметикани ёқтирмасди. Шунга қарамай яхши ўқишга ҳаракат қилди, олға интилди. Бироқ бу мактабдаги таҳсил ҳам узоқ чўзилмади. Ўн ёшида отаси яна Бенжаминни мактабга юбормай қўйди.

Шу пайтгача отасига ёрдам берган тўнғич ўғиллардан бири Жон уйлангач, ўз устахонасини очишга қарор қилган эди. У отаси билан рақобатга киришмаслик мақсадида Род-Айлендга кетди. Оиланинг ишчи ёллашга маблағи етмасди. Хуллас, Жозайа ёрдамчисиз қолди ва бу Бенжаминнинг тақдирини ҳал этди. Бироқ бола заррача оғринмади. Отаси уни кўп уринтирмасликка ҳаракат қилар, ишга нисбатан нафрат ҳиссини туймаслиги учун эса сайрга олиб чиқарди. Бенжамин шу тариқа дурадгор, ғишт терувчи, мисгар ва бошқа касбдагиларнинг фаолиятини кузатди. Токарлик дастгоҳи, ғишт заводи, темирчилик цехида ишлади. Келгусида буларнинг нафи тегди. Франклин илмий тажрибаларига киришганида мазкур қурилмалар учун керакли жараёнларни ўзи амалга оширган.

Франклин ҳақиқатан ҳар иш қўлидан келадиган омилкор эди. У нафақат электр бўйича тажрибалари билан шуҳрат қозонди, балки қатор қимматли кашфиётларнинг муаллифига айланди. Буни эса турли касблар ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиб амалга ошириш мумкин эди. Франклин ҳар қандай ишни севар, пишиқ-пухта ишлар, бошқаларнинг юксак профессионал малакасини қадрларди.

Ўқишга бўлган иштиёқ Бенжамин Франклиннинг ҳаёт йўлини белгилаб берди. Ниҳоят ота китобсевар ўғли учун фақат битта касб тўғри келиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқарди – китоб чоп этиш. Ўғилларидан бири аллақачон матбаа соҳасини эгаллаган бўлса-да, шу қарорга келди, ваҳоланки оилада икки ўғилнинг битта касбни эгаллаши камдан-кам ҳолат эди.

Ака-ука шартномаси

1717 йили Бенжаминнинг акаси Жеймс босмахо-на ишини ўрганиб Англиядан қайтди. У Бостонга босма-астгоҳ, махсус ҳарфлар ва босмахона учун керакли ан-омларни олиб келди. Ўзаро шартномага кўра, Бенжа-мин тўққиз йил мобайнида акасига шогирдлик қилди. Ўз-эвбатида Жеймс матбаа ишларини миридан-сиригача-га ўргатди.

Бенжамин узлуксиз ўқиди. Уйда кечки ибодатдан сўнг-имма ухлашга ётар, босмахонада эса ёш ўқувчининг му-лаасига ҳеч ким халақит бермасди. Франклин иш юза-дан китоб сотувчилар билан танишди, натижада китоб-лар сари туғридан-туғри йўл очилди.

Франклин мустақил ўқишни канда қилмади. 1723 йили-иладельфияга кўчиб ўтди, босмахонада ишлади. 1724-1726 йилларда Лондонда матбаа ишини ўрганди. 1727-йили Филадельфияда хусусий босмахонасини очди. Ке-инги йили Бенжамин Франклин “Чарм этаклар клуби” (Джунто”) Филадельфия ҳунарманд ва савдогарлар тўга-ҳини ташкил этди (1743 йили бу тўгарак Америка фал-сафа жамиятига айланди). 1729 – 1748 йилларда “Пен-ильвания газет” ва “Соддадил Ричарднинг альманахи”-илномасини нашр қилди.

Бенжамин Франклиннинг мактублардан иборат меро-да унинг отаси, онаси, ака-укалари, опалари, фарзанд-лари, набиралари, қавм-қариндош ва бошқаларга ёзган-илай хатлари сақланиб қолган. У кейинчалик Америка ва-юрижда анча машхур одамга айланиб, муқкасидан ишга-милган бўлса-да, туғишганлари ва яқин инсонлари би-ан учрашиш ва хат ёзиш учун албатта вақт топарди. Бенжамин ўзига муҳтож қариндошларига ҳар томонлама-одам қўлини чўзарди. Бундай кишилар эса кам эмасди.

1730 йили Бенжамин Франклин Дебора Ридга уйланди. У босмахона фаолиятини юритиш қаторида чет тил-лар, хориж адабиёти, фалсафа, физикани ўрганди.

Бенжамин Франклин биринчи Америка жамоат кутуб-онасига асос солган сана 1731 йил ҳисобланади. У 1743-йили Америка фалсафа жамияти, 1751 йили Пенсильва-

ния университетининг тамал тоши бўлган Филадельфия академиясини ташкил этди. 1737 йилдан 1753 йилгача Пенсильвания почта мудирини, 1753 йилдан 1774 йилга қашу вазифада ишлади.

Почта колонияси директори бўлганида Франклин Англиянинг Фалмут портидан Нью-Йоркка почта юкларини ташувчи кемалар оддий савдо кемаларига нисбатан икки ҳафта кейин етиб боришига алоқадор шикоятларга эътиборини қаратди. Айбдор Гольфстрим бўлиб чиқди. Почта кемаларига оқим бўйича ҳеч нимани билмайдиган инглиз денгизчилари командирлик қиларди. Савдо кемалари бошқаруви эса ёшлигидан денгиз овида қатнашган америкаликлар қўлида эди. Франклиннинг қатъий талабига кўра, матрослар ўз кузатувларини харитага киритадиган бўлдилар, кейинчалик у Гольфстримнинг биринчи харитаси бўлиб қолди.

Умр интиҳосидаги илтимослар

1736 – 1751 йилларда Франклин Пенсильваниядаги академиянинг котиби бўлди.

Унинг сиёсий қарашларида инсоннинг ҳаёт кечирishi, озодлиги, хусусий мулки билан боғлиқ табиий ва дахлсиз ҳуқуқлари ўз аксини топган. Бироқ Шимолий Америка мустамлакалари тизими билан боғлиқ қарашлари вақт ўтиб ўзгариб турган. Франклин 1765 йилгача мустамлакага Британия империясининг бир қисми сифатида ёндашган. Кейин эса барча мустамлакаларнинг қирол қўли остида тўла-тўқис тенг ва метрополияга эга бўладиган федерал тизим ҳақида ўйлаб қолди.

Ниҳоят, Англия ва мустамлакалар ўртасидаги қарама-қаршилиқ дахл қилиб бўлмайдиган даражага етган Франклин курашга киришди. Сабаби, Англия сиёсатига таъсир кўрсатиш учун Британия парламентида арзнома билан мурожаат қилган бўлса-да, ҳеч қандай имконият берилмаганди. У мустамлакаларга эга бўлган давлатдан қутулиш ва тўлақонли сиёсий мустақилликни тантана

ли эълон қилишни хоҳларди. Кейинроқ ижро ҳокимияти ролининг кучайишига қарши чиқишлар қилди, қулликни тақиқлаш учун курашди.

Франклин ўзининг “Таржима ҳол”ида маънавий баркамолликка эришишни ҳаётга татбиқ этиш ва зарарли одатлардан қутулишга асосланган 13 тамойилни келтиради.

Бенжамин Франклин қарашлари негизида инсоннинг табиий ва дахлсиз ҳуқуқлари ётади. У демократ бўлиб, қулликка қатъий қарши эди. Франклиннинг иқтисодий тадқиқотлари меҳнат қиймати назариясини бошлаб берди.

Франклиннинг илмий изланишлари ҳам алоҳида таҳсинга сазовор. У чақмоқнинг электр хусусиятини исботлаб, яшин қайтаргични кашф қилди, фанга мусбат ва манфий электрон зарядлар тушунчаларини олиб кирди. Илмий хизматлари халқаро миқёсда тақдирланди.

Бенжамин Франклин, шунингдек, махсус кўзойнақлар, тебранма оромкурси ва бошқа кўплаб асбоб-анжомларнинг ихтирочиси саналади. У мазкур ихтироларнинг аксарияти учун патент олишни рад этган. Франклин мустамлакаларда биринчи ёнғин хизматини ташкил этди ва Америка фалсафа жамиятига асос солди.

Ҳаётининг охири йилларида Бенжамин Франклин Америкадан йироқда бўлди. Элчи вазифасидан бўшатишларини сўраб Конгрессга бир неча марта мурожаат қилди. 1783 йилнинг 26 декабрида у яна илтимоснома билан чиқди. Фақат 1785 йил 2 майда вазифасидан озод этилганлиги ҳақида хабар олди. 1785 йилнинг 3 майида Филадельфияга келган Франклин Конституцион конвент аъзолигига сайланди. Орадан беш йил ўтгач, 12 февралда қулликни тақиқлаш мазмунида хат билан конгрессга мурожаат қилди. У амалий ишга киришиб, коллежлар ва жамоат ишлари дастурларини молиялаштирувчи трестлар ташкил этди. Кўплаб мамлакатларнинг академия аъзоси этиб сайланди, бутун дунёга танилди.

Бенжамин Франклин 1790 йилнинг 17 апрелида 84 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

ЖИМЖИТ ДУНЁДАГИ ДАҲО



Людвиг ван Бетховен – ғарб классик муסיқасининг етук намояндаси, немис бастакори, пианиночи, “Вена мумтоз мактаби” вакили сифатида тарихда қолган. У ўз даврининг барча муסיқий жанрлари, жумладан, опера, драматик спектакллар муסיқаси, жўр бўлиб айтилувчи асарлар ёзган. Бетховен меросига оид чолғу муסיқасига фортепиано, скрипка ва виолончель сонаталари, кваттет,

увертюра – сахна асари бошланиши олдидан ижро этиладиган муסיқий муқаддима ва симфониялар киради. Унинг ижоди XIX ва XX асрлар симфонияси таракқиётига катта таъсир кўрсатган...

“Сен иккинчи Моцарт бўлишинг шарт”

Людвиг ван Бетховен 1770 йил 16 декабрда Германиянинг Бонн шаҳрида туғилган. Отаси Иоганн Бетховен (1740 – 1792) сарой қошидаги капелла (хор жамоаси)да хизмат қилар, ашулачи эди. Онаси Мария-Магдалина эрга тегишидан аввал бош ошпазнинг қизи бўлган. Улар 1767 йили турмуш қуришди. Иоганннинг отаси Людвиг (1712 – 1773) ҳам ўғли ишлайдиган хор жамоасида ашулачи, сўнг ҳарбий оркестр дирижёри вазифасида фаолият кўрсатган. Унинг келиб чиқиши Жанубий Нидерландиядаги Михелендан бўлиб, фамилиясидаги “ван” қўшимчаси шундан келиб чиққан.

Буванинг вафотидан сўнг оиланинг моддий аҳволи ёмонлашди. Людвигнинг мактабни тарк этишига тўғри

келди, шунга қарамай, у лотин, италян ва французчани ўрганди, кўп ўқиди.

Иоганн ўғли Людвигдан иккинчи Моцарт етиштиришни ҳият қилганди. Шу йўл билан ўзининг моддий аҳволини яхшиламоқчи ҳам эди. Ўғлига клавесин (фортепианога ўхшаш чолғу асбоби) ва скрипкада чалишни ўргата боштади. У Людвигни зерикарли машқларни бажаришга мажбур қилар, қийналиб кетган бола юм-юм йиғларди. Аммо эта жаззаки ва кўпол бўлса-да, ўғлини яхши кўрарди. Энаси эса Людвигга эътибор қаратишдан мосуво эди.

Оғир шароит, етишмовчилик ва қашшоқлик болани эрта улғайтириб, феъл-атворини шакллантирди. Унда қадр-қиммат ҳисси ўсиб, мустақил бўлишга интилиш кучайди. Юнон муаллифлари Ҳомер ва Плутарх, инглиз драматурги Шекспир Бетховеннинг севимли адиблари эди. У вояга етгач, мактубларидан бирида шундай деб ёзган: *“Камина учун ҳаддан зиёд билим талаб қилинажак асарлар йўқ, аммо олимпикка заррача даъвогарлик қилмаган ҳолда болалигимдан ҳар бир даврнинг энг яхши ва донишманд инсонлари дунёсини англашга интиланган бор гап”*.

Людвигнинг омма олдида илк чиқиши 1778 йили Кёльнда амалга оширилди, бироқ Бетховен мўъжизага айланмади. Шундан сўнг отаси уни ҳамкасблари ва ўртоқларига топширди. Улардан бири болани орган чалиш, бошқаси эса скрипкага ўргатди.

1780 йили Боннга органчи ва бастакор Кристиан Готлоб Нефе ташриф буюрди. У Бетховеннинг ҳақиқий мураббийсига айланди. Нефе боланинг истеъдодини дарҳол илғаганди. У Людвигни Бахнинг “фортепианога мослаб қайта ишланган партитураси” ва Гендел асарлари, шунингдек, катта ёшли замондошлар Ф.Э.Бах, Гайдн ва Моцартнинг мусиқий олами билан таништирди. Нефе туфайли Бетховеннинг илк асари – Дресслер марши мавзусидаги вариацияси дунёга келди. Ўшанда болакайнинг ёши ўн иккида бўлиб, саройдаги органчининг ёрдамчиси сифатида ишларди.

Бетховен мусиқа ярата бошлаган бўлса-да, уларни эъри кейинчалик қайта ишланди. Ўсмирлик чоғидаги асарларидан учта болалар сонатаси ва бир нечта кўшиқлари жумладан, “Суғур” яхши маълум.

Машҳур ва пала-партиш

1787 йили Бетховен Венага ташриф буюрди. Унинг ижросини тинглаган Моцарт ҳайқириб юборди: “Бу бола ҳаммани ўзи ҳақида гапиришга мажбур қилади”.

Бироқ машғулотлар бўлмади. Онасининг бетоблигини эшитган Бетховен Боннга қайтди. Сил туфайли хасталанган Мария-Магдалина ўғлининг кўлида жон берди. Улкан айрилиқ Бетховенга кучли таъсир кўрсатди: бир умрлик терлама, кейин эса чечак касаллигини орттириб олди. Оила ташвиши, укаларига ғамхўрлик қилиш ўн етти ёшли йигитчанинг зиммасига тушди. Отаси ичкиликка муккаси-дан берилган бўлиб, беш йилдан сўнг вафот этди.

Бетховен оркестрга созанда бўлиб ишга кирди. Бу жамоа томонидан итальян, француз ва немис опералари кўйиларди. Йигитчада Глюк ва Моцарт опералари кучли таассурот қолдирганди.

1789 йили Бетховен билимини чуқурлаштириш мақсадида университетдаги маърузаларга қатнай бошлади. Айни шу пайтда Боннда Франция инқилоби ҳақида хабарлар тарқалди. Университет профессорларидан бири мазкур инқилоб мадҳ этилган шеърлардан иборат тўпламни чоп эттирди. Бетховен “Озод одам кўшиғи”ни ёзди, унда шундай сўзлар бор эди: “*Туғилгани ва насли ҳеч қандай аҳамият касб этмаган одам эркиндир*”.

Англиядан йўлга чиққан Гайдн Боннда тўхтаб ўтди. У Бетховеннинг бастакорлик тажрибасини юқори баҳолади. Ўсмир Англиядан қайтгач, янада машҳур бўлган Гайдндан сабоқ олиш учун Венага кетишни режалаштирди. 1792 йилнинг кузида у Бонни тарк этди.

Венага ташриф буюрган Бетховен Гайдндан дарс ола бошлади. Бироқ машғулотлар тез орада шогирднинг ҳам, устознинг ҳам кўнглини совитди. Бетховен айтишича,

Гайдн унинг саъй-ҳаракатларига етарлича эътибор бермаган. Гайднни Людвигнинг нафақат ўша давр учун мардонавор бўлган дунёқарашлари, балки етарли даражада лаҳзун оҳанглари ҳам чўчитарди. У шогирдини таниқли педагог ва назариётчи Альбрехтсбергерга топширди. Алал оқибат Бетховен устозни ўзи танлади – Антонио Сальерини!

Бора-бора Бетховен моҳир пианиночи сифатида довруқ қозонди. Унинг ижроси тингловчиларни лол қолдирарди. Бетховен товушнинг баланд пардасидан фойдаланар (ўша пайтларда ўртача даража қўлланарди), тепкини кенг миқёсда ишлатар (бунга ҳам камдан-кам музожаат қилишган), оғир аккорд товушларини қўлларди. Моҳият эътибори билан Бетховен фортепианонинг ўзига ос услубини яратди.

Ёш бастакор ташқи кўриниши билан ҳам ажралиб турарди. У ҳамisha пала-партиш кийинар, сочлари таралмаган бўларди.

Кейинроқ Бетховен мусиқадан дарс бера бошлади. Ёш графиня Жульетта Гвиччарди ҳам бастакордан сабоқ олди. У Бетховен ташриф буюрадиган Брунсвиклар шиласининг қариндоши эди. Бастакор асосий вақтини Жульеттага ажратиб, ҳатто бу қизга уйланиш ҳақида ҳам ййлаган. 1801 йилнинг ёзини Бетховен Брунсвиклар уйда ўтказди. Тахминларга кўра, машҳур “Ой сонатаси” айнан ўша ерда ёзилган. Бетховен бу асарни Жульеттага бағишлади. Бироқ қиз Бетховендан кўра граф Галленбергни афзал кўриб, уни иқтидорли бастакор деб топди. Заҳоланки, танқидчилар графнинг у ё бу куйи Моцарт ёки Керубини асарларидан ўзлаштириб ёзилганини қайд этишган.

Ҳаммаси яхши, аммо...

Бетховеннинг ҳаддан зиёд кескин бўлгани ҳам маътум. Бир куни унинг ижроси чоғида меҳмонлардан бири қайсидир хоним билан гаплаша бошлади. Бетховен

дарҳол ижрони тўхтатди ва: *“Мен бундай тўнғизлар учун ўйнамайман”*, деди. Кечирим сўрашлар, келишувлар ҳақда қандай ёрдам бермади.

Бошқа сафар у князь Лихновскийнинг уйида меҳмонда эди. Лихновский бастакорни ниҳоятда ҳурмат қилади, мусиқасининг мухлиси эди. У Бетховеннинг тўпланганлаҳзурида чиқиш қилишини хоҳлади. Бастакор рад этди. Лихновский эса талаб қилиб туриб олди, ҳатто Бетховен ичкарига кириб кулфлаб олган хона эшигини синдиришга буюрди. Ғазабланган бастакор бу ерни тарк этди ва Венага қайтди. Эртаси кун у Лихновскийга мактуб йўллади: *“Князь! Мен нимага қодир бўлсам, фақат ўз олдимга бурчлиман. Князлар мавжуд ва минглаб бўлади. Бетховен эса – фақат битта!”*

Бироқ қаҳри қаттиқлигига қарамай, дўстлари уни аҳамиятсиз ва чайин яхши деб ҳисоблашарди. Бастакор ҳеч қачон яқин дўстларидан ёрдамни аямаган. *“Менинг бир бурда намуна бора экан, дўстларимдан бирортаси ҳам муҳтасаб бўлмаслиги керак. Агар ҳамёним бўш бўлиб, айни ўн соатда ёрдам беришга имконим етмаса, дарҳол ишга солинишим ва тез орада уни кулфатдан халос этишим шарт”*, – деган эди Бетховен.

У Венада яшаганининг дастлабки ўн йилида фортепиано учун йигирмата соната ва учта концерт, скрипкага мўлжалланган саккизта соната, кваттетлар ва камерасарлари, ораторий, балет, Биринчи ва Иккинчи симфонияларни ёзди. Ҳаммаси яхши эди, аммо...

1796 йилдан эътиборан Бетховен эшитиш қобилитини йўқота бошлади. Унда тиннитус – товушларни қулоқларга етказувчи ички қулоқ яллиғланиши рўй берди. Шифокорлар Хайлигенштадтда яшашни тавсия қилишди. Бироқ бу кичик шаҳарчадаги осойишталик ва жимжитликнинг аҳволини яхшиламади. Бетховен карликнинг даволаши йўқлигини англай бошлади.

1814 – 1816 йилларда у шу даражада қаро одамга айландики, битта ҳам сўзни эшита олмади. Ана шунда жонига қасд қилишни ўйлади. Ўлимолди хатини ҳам ёзд

Бироқ мактубни ёзиш асносида калласига шу қадар ажиб ғоялар келдики, кетма-кет энг шоҳ асарларини ёза бошлади. У “Хайлигенштадт мероси” деб ном олган мактубида оғир тушкунликка тушгани, ўз жонига қасд қилишга яқин бўлганини тан олганди: *“Мен ўзимни бурчли ҳисоблаган барча асарларни ижро этмасдан аввал бу ёруғ оламни тарк этишимни маънисиз ҳисоблайман”*. Хайлигенштадтда бастакор навбатдаги Учинчи симфония устидаги ишга ўтирди ва уни Қаҳрамонлик симфонияси деб номлади.

Чайковский эътирофича, Бетховеннинг фортепиано йўналишидаги услуби анча эрта етилган бўлса-да, бироқ симфониядаги қобилияти кеч шаклланган. Фақат Учинчи симфонияда *“Бетховен ижодий қиррасининг бениҳоя кенг, маҳлиё қилувчи бутун кучи биринчи марта намоён бўлган”*.

Қўрқинчли ёзишмалар

Нима бўлганда ҳам, ижодий фаоллиги сусайган уч йилдан сўнг Бетховен аввалги куч-қувват билан ишлаш бошлаганди. Йигирма саккизинчи, ўттиз иккинчи фортепиано сонаталари, иккита виолончель сонатаси, кваттетлар, “Олисдаги маҳбубам сари” вокаль туркумлари яратилди. Халқ ашулаларини қайта ишлаш учун кўп вақт ажратилди. Шотланд, ирланд, рус асарларига мурожаат қилинди. Бетховеннинг сўнгги йиллардаги дурдоналари эса “Тантанали ибодат” ва жўр бўлиб айтиладиган Тўққизинчи симфония эди.

Бастакорнинг карлиги билан боғлиқ турли фаразлар юради. Яъни, мазкур касаллик авлодида бўлган эмиш. Бундай эмас. Бетховеннинг ота-онаси 1767 йили турмуш қуришган бўлса, 1769 йили биринчи ўғил дунёга келган. Олти кун ўтгач, у ҳаётдан кўз юмган. Кейин Людвиг ван Бетховен туғилди. Тўрт йилдан сўнг учинчи ўғил дунёга келди (1815 йили сил касаллигидан ўлган). 1776 йили оилада тўртинчи ўғил туғилди (1848 йили вафот этган). 1779 йили дунёга келган қизалоқ ҳам тўнғич фарзанд каби узоқ

яшамади – тўрт кун ўтиб ҳаётдан кўз юмди. Кейинроқ она лада навбатдаги ўғил, сўнг яна қиз дунёга келди. Ота-она ҳам, фарзандлар ҳам жиддий касаллик билан оғримаган. Бетховен карлиги сабабли уйдан камдан-кам чиқарди. У бадқовоқ, одамовига айланди. Айни шу йилларда “Фиделио” номли ягона операси устида ишлади. Мазкур асар “дахшатлар ва халоскорлик” операси жанрига тегишли. “Фиделио” 1814 йили, аввал Вена, сўнг Прага ва, ниҳоят машҳур немис бастакори Вебер дирижёрлигида Берлинда намоиш этилганидан кейин муваффақият қозонди.

Тўққизинчи симфония 1824 йили ижро этилди. Омма бастакорни олқишларга кўмиб юборди. Бу пайтда Бетховен томошагоҳда тескари турган ва ҳеч нимани эшитмаган. Ашулачилардан бири унинг кўлидан ушлаб, тингловчилар томонга ўгирди. Мухлислар рўмолчалари шляпалари, қўлларини силкиб, бастакорни қутлашарди. Олқиш шу қадар чўзилиб кетдики, ўша ерда бўлган полиция амалдорлари концертни дарҳол тугатишни талаб қилишди. Бундай қутловлар фақат императорга нисбатан қўлланиларди. Бетховен ўзи учун жимжит дунёдаги даҳ бастакор эди.

Бетховеннинг карлиги туфайли “сўзлашув дафтарлари” деб номланган улкан тарихий ҳужжатлар мерос бўлиб қолди. Дўстлари унга гап қистиришар, бастакор овоз чиқариб ёки ёзиш билан жавоб қайтарарди. Мазкур битиклардан иборат иккита дафтар мусиқачи Шиндлер томонидан ёқиб юборилган. Сабаби: *“Ушбу дафтарларда император, ворис шаҳзодаси ва юқори мартабали шахсларга қарши шафқатсиз ҳамлалар бор эди. Афсуски бу, Бетховеннинг севимли мавзуси бўлиб, ўзаро суҳбатларда у ҳокимият эгалари, қонун ва қарорларга нисбатан ҳаммиша норозилик билдирарди”* (Шиндлер).

Тўрт марта операция

Бетховен 34 ёшда бўлганида Наполеон Буюк француз инқилоби ғояларидан воз кечди ва ўзини император де

ълон қилди. Шу боис Бетховен Учинчи симфонияни унга бағишлашдан бош тортди: *“Наполеон ҳам оддий одам. Энди у инсон ҳуқуқларини топтайди ва зolim ҳукмдорга айланади”*.

Наполеоннинг мағлубиятидан сўнг Австрияда полиция тартиби ўрнатилди. Инқилобдан чўчиб қолган ҳукумат ҳар қандай эркин фикрни бўғишга уринарди. Кўп сонли махфий айғоқчилар жамиятнинг ҳар қандай қатлами ичига кириб борганди. Бетховеннинг сўзлашув дафтарларида шундай огоҳлантиришлар учрайди: *“Жим! Эҳтиёт бўлинг, бу ерда айғоқчи бор”*.

Аммо Бетховен шу даражада машхур эдики, ҳукумат унга тазйиқ ўтказишдан чўчирди. Бастакор кар бўлса-да, нафақат сиёсий, балки мусиқий янгиликлардан бохабар бўлишга ҳаракат қиларди. У Россини опералари партитураларини ўқиди (ички эшитиш қобилияти билан идрок этган ҳолда), Шуберт ашулаларини кўздан кечирди, немис бастакори Вебернинг “Сехрли мерган”, “Эвриант” опералари билан танишди. Венага келган Вебер Бетховенни ўқлади, улар биргаликда нонушта қилдилар, тантаналарни хушламайдиган бастакор меҳмоннинг кўнглини овтади.

Бироқ машхурлигига қарамай, Бетховен муҳтожликда қаёт кечирарди. Унинг ёзганлари кам даромад келтирар, ғой амалдорлар томонидан ажратилган пенсия ўз вақтида берилмасди.

Укаси вафот этгач, Бетховен унинг ўғлини ўз қарамоғига олди. Жиянини энг яхши пансионга жойлаб, шогирди Карл Чернига мусиқа ўргатишни топширди. У ёш қариндошининг олим ёки артист бўлишини истар, бироқ аксига олиб ўсмирни қарта ва бильярд қизиқтириб қолди. Натижада йигитча қарзга ботиб, ўз жонига қасд қилди. Хайриятки ўқ фақат бош терисини юлиб ўтди. Шунга қарамай, Бетховен қаттиқ тушкунликка тушди. Унинг саломатлиги ёмонлашди. Жигари оғир касалликка дучор бўлди.

Ўша пайтларда “Фиделио” қўлёзмасини дўсти ва котиби Шиндлерга берган Бетховен шундай деганди: *“Бу*

руҳиятим гўдаги бошқа асарларимга нисбатан кучли азоб-уқубатлар ортидан дунёга келди ва менга улкан ранж-алам етказди. Шу боис у мен учун ҳаммасидан қадрлидир”.

Умри ниҳояларида Бетховеннинг кўриниши аянчли тус олди, қайғу-ҳасрат юзини буриштириб, мулойим кўзлари раҳм-шафқат сўрагандек боқарди. У уйини мебели йўқ арзонгина ҳужрага алмаштирди.

Бетховен шамоллади, узоқ вақт бетоб бўлиб ётди. Кейин эса унда истисқо бошланди, тўрт марта операция қилишга тўғри келди.

1827 йил 26 март кuni кундузги соат бешда Людвиг ван Бетховен ҳаётдан кўз юмди. Машҳур бастакорни сўнгги манзилга кузатиш учун йигирма минг нафар одам иштирок этди.

P.S. 2007 йил 29 август кuni веналик патолог ва суд тиббий эксперти Кристиан Рейтер (Вена тиббий университети кафедра мудири) Бетховен ўлимини унинг шифокори Андреас Ваврух беихтиёр равишда тезлаштирганини маълум қилди. Ваврух бемор қорин пардасидан кетма-кет суюқлик олгач, таркибида қўрғошин бўлган малҳамни жароҳат жойига босган. Рейтер соҳтоласида ўтказган таҳлил кўрсатишича, шифокорнинг ҳар бир ташрифидан сўнг Бетховен танасида қўрғошин миқдори ошган.

БИР УМРЛИК ҚАРЗЛАР ГИРДОБИ

Оноре де Бальзак – француз ёзувчиси, Европа адабиёти реализми асосчиларидан бири. Туркум романлари, шунингдек, “Инсон комедияси” қиссаси муаллифи. Бальзак асарлари Европада катта шуҳрат қозонган, адабни ҳаётлигидаёқ XIX асрнинг улкан носирларидан бири-



га айлантирган. Унинг асарлари Диккенс, Достоевский, Золя, Фолкнер ва бошқалар ижодига сезиларли таъсир кўрсатган.

Беш йиллик дард

Оноре де Бальзак 1799 йилнинг 20 майида Франциянинг Тур шаҳрида деҳқон оиласида таваллуд топган. Унинг отаси Бернар Франсуа Бальса лангедоклик бўлиб, инқилоб даврида мусодара қилинган ерларни олди-сотди қилиш туфайли бойиб кетди. У яхшигина устмон эди, шу боис кўп ўтмай, Тур шаҳри мэрининг ёрдамчисига ҳам айланди.

Бернарнинг машхур француз ёзувчиси Жан Луи Гез де Бальзакка (1597 – 1654) ҳеч қандай қариндошлиги йўқ. У шунчаки фамилиясини Бальзак деб ўзгартирди, маълум вақтдан сўнг эса мўмай пул эвазига “де” юкламасини сотиб олди. Оноренинг онаси парижлик сотувчининг қизи эди.

Бўлажак ёзувчининг онаси ўз эридан ўттиз ёш кичик бўлиб, айтишларича, умр йўлдошига хиёнат қилган. Оноренинг укаси Анри қўшни заминдорнинг никоҳсиз туғилган фарзанди бўлиб, она асосий диққат-эътиборини шу ўғлига қаратган, бўлажак ёзувчига нисбатан лоқайд бўл-

ган. Кўплаб тадқиқотчилар хулосасига кўра, романнавис Бальзак диққат-эътиборини никоҳ масаласи ва оилада ҳукмронлик қилган вафосизлик муаммоси жалб этгани сабаби шунга бориб тақалади.

Бернар Франсуа ўғли Онорени адвокат қилиб ўстириш моқчи эди. 1807 – 1813 йилларда Бальзак Вандом коллежидан таҳсил олди. 1816 – 1819 йилларда эса Париж ҳуқуқ мактабида таҳсил олди. Бир вақтнинг ўзида нотариусда қотиб бўлиш ишлади. Бироқ мазкур соҳа унга ёқмай, ҳуқуқий фаолиятдан воз кечди ва ўзини адабиётга бағишлади.

Ота-она Оноре билан кам шуғулланишарди. Вандом коллежидан у мажбуран ўқитилган. Бу даргоҳда таътилдан бошқа пайтларда яқин инсонлар билан учрашиш тақиқланган эди. Таҳсилнинг дастлабки йилида мураббийларни масхара қилгани боис, Бальзак кўп марта бундан қишлоққа қамалган. Тўртинчи синфда Оноре мактаб ҳаётига кўника бошлади, бироқ ўқитувчилар устидан кулишни бас қилмасди...

У ўн тўрт ёшида касалланиб қолди ва коллеж маъмурияти илтимосига кўра, ота-онаси уйга олиб кетишди. Бола беш йил мобайнида оғир аҳволда ётди, тузалиш кетишига умид йўқ эди. 1816 йили оила Парижга кўчиётганда, Оноре оёққа туриб кетди.

“Мен учун қоида йўқ”

Бальзакнинг адабиётга кириб келиши ўзига хос бўлиб томда ижод қилди. Фақат ёзди. У адабиётга кириб келган 1820 йил охири ва 1830 йил бошларида француз адабиётида романтизмнинг гуллаб-яшнаган даври кечаётганди. Мазкур даврдаги йирик романлар икки асосий жанрнинг қамраб олганди: шахс романи – саргузаштлар қаҳрамонлиги (масалан, Робинзон Крузо) ёки ўз кечинмалари билан банд яққа қаҳрамон (Гёте қаламига оид “Ёш Вертернинг изтироблари”) ва тарихий роман (Вальтер Скотт).

Ёзувчи адабий фаолиятининг илк беш-олти йилида асарларида француз ҳаётининг турли кўринишлари ўз аксини топди: қишлоқ, музофот, Париж, турли ижтимо

ий гуруҳлар, сотувчилар, киборлар, руҳонийлар, ҳар хил ижтимоий институтлар, оила, давлат, армия...

Бальзак дастлаб адабий мезонларга риоя қилишга интилни. Кейинроқ эса мазкур тажрибаларини “қуруқ адабий палидлик” деб атаб, бу ҳақда эслашни ҳам истамади. Шахс романидан ҳам, Вальтер Скоттнинг тарихий романидан ҳам узоқлашган Бальзак “индивидуал хусусиятларига кўра алоҳида нусха”ларни акс эттиришга интилни. Адиб диққат марказини қаҳрамонлар ва улуғвор инсонлардан йироқ бўлган замонавий Франциянинг Июль монархияси буржуа жамияти ишғол этганди.

1820 – 1829 йиллар Бальзакнинг адабиётга шўнғиган даври бўлиб қолди. У “шиддатли романтизм” руҳида бир неча романлар нашр эттирди. Турли тахаллуслар остида қатор ўткир сюжетли китоблар чиқарди, оқсуяклар ҳаётига оид асарлар ёзди. Бальзакнинг ўз номини яшириб ижод қилиши “1799 йилдаги Шуанлар ёки Бретань” романи ёруғ дунёни кўргунича давом этди. Унинг ёзувчилик фаолияти шаклланишида Вальтер Скоттнинг тарихий романлари катта таъсир кўрсатди. Кейинги асарлари “Шахсий ҳаётдан сахналар” (1830), “Узоқ умр эликсири” (1830 – 1831, Дон Жуан афсонаси мавзуси вариацияси), ўқувчилар ва танқидчилар диққатини жалб қилган “Гобсек” (1830) бўлди.

Бальзак замонавий француз ҳаётини акс эттирувчи новеллалар устида ҳам ишлади. Мазкур новеллалар 1831 йили “Сағри тери тилсими” умумий номи остида чоп этилди ва муаллифга улкан шон-шуҳрат олиб келди.

Кумуш кони илинжида

Мислсиз муваффақияти, 1830 – 1840-йилларда китоблари катта ададларда ўқилишига қарамай, Бальзакнинг ҳаёти маромида эмасди. Гап шундаки, адиб бир нечта омадсиз тижоратга қўл урганди. Мавжуд шароит ва имкониятларни ҳисобга олмасдан бошлаган фаолияти жиддий ташвиш олиб келди. Боз устига у Сардинияга отланди ва кумуш конни арзон нарҳда харид қилишни кўзлаб

шаҳар чеккасидан уй сотиб олди. Бироқ таъминот учун қарзга олган сармояси тугади. Икки марта даврий нашр чиқарди, бироқ барибир омади чопмади.

Қарзлар тобора ўсар, афтидан, бу адабий фаолият билан янада кўпроқ шуғулланишга мажбур қиларди. У ёзув столида 15 – 16 соатлаб ишлаб, ҳар йили уч, тўрт, ҳатто беш-олтита китоб чиқара бошлади.

Бальзак қиссалар ёзди, турли йўналишдаги рисолалар чиқарди. Бироқ, ҳатто “Карикатура” ва “Силуэт” журналлари билан ҳамкорлик ҳам оғир молиявий аҳволдан қувомида штатсиз журналист бўлиб ишлади, асосий кучини эса ўн саккиз йил мобайнида ёзган романларига қаратди. Тўйиб-тўймай яшаш Бальзакни буюртма романлар ёзишга мажбур қиларди.

1831 йили Бальзак “Сағри тери тилсими” фалсафий романини эълон қилди ва “Ўттиз ёшли аёл” асари устида иш бошлади. “Ғавғоли ҳикоялар” Уйғониш даври новеллачилиги услубига истехзо тарзида ёзилди. Шунингдек, “Луи Ламбер” автобиографик романи ва мистик йўналишдаги “Серафите” асарини ёзишга ўтирди.

Бальзакда замонасининг кўп томли – “ахлоқ картинаси”ни ёзиш ғояси туғилди. Кейинчалик у “Инсон комедияси” деб номланди. Бальзак ғояси бўйича, мазкур туркум Франциянинг урушдан кейинги бадий тарихи ва бадий фалсафаси бўлмоғи керак эди. “Одатлар ҳақидаги этюдлар” Франция манзарасини барча қатламлари, ижтимоий ҳолати, жамоат институтлари билан бор бўйича акс эттиради. Унинг асосий ғояси – ер ва уруғ киборчилиги, бойликка интилишнинг кучайиши ва шу билан боғлиқ одоб-ахлоққа оид кўплаб анъаналарнинг йўқолиб кетишидан иборат.

Адиб қолган бутун умрини шу ғоясини рўёбга чиқаришга бағишлади. У аллақачон ёзиб бўлган асарларини шу мақсад йўлида қайта ишлади. Туркум уч қисмдан иборат: “Одатлар ҳақидаги этюдлар”, “Фалсафий этюдлар” ва “Аналитик этюдлар”.

Меҳнат ва қора қаҳва

Бальзак, асосан, аёллар ўртасида машҳур эди. Ёзувчилик фаолиятининг дастлабки кезлариданоқ Бальзак адабиётда Наполеон бўлишни орзу қилар, кабинетидаги ёзув столи ёнида ҳамиша марҳум императорнинг мармар бюсти турарди.

Адибнинг кундалик иш куни ярим тунда бошланарди. Узун оқ халатга ўралган адиб ёзув столига чўқар, ўн олти соат мобайнида тўхтамасдан ишларди. Бу орада толиқиб, бир неча ғоз патини улоқтирарди.

Бальзак сон-саноксиз идишдаги қора қаҳва ичиш учунгина танаффус қиларди, холос. Бундай ўткир ичимликни улкан миқдорда симирмаган ёзувчи ишлай олмайди, деб қатъий ишонарди Бальзак. Адиб ҳаётининг охирига қадар бошқа улуғ ёзувчилардан фарқли ўлароқ, алкогольдан кўра пешанасига қаҳва ичимлигидан ўлиш ёзилган ягона ижодкор бўлиб қолди.

У китоблар ёзиб бўлгандан кейинги оралиқ танаффусларда ҳам ўзгача иш тутарди: ё кўп тановул қилар, ё навбатдаги маъшуқаси билан вақтини хуш ўтказарди. Романнывиснинг аёлларни яхши “тушуниши” бобида обрўси қанчалик тез ошган бўлса, мухлислари сафи ҳам шу қадар кенгайди.

Бальзакни кўркам деб бўлмасди. У тўладан келган, бўйи унча баланд эмасди. Ҳатто энг яхши тикилган кийим-кечак ҳам эгнида хунук кўринар, тирноқлари кир-чир аҳволда эди. Ёқимсиз жиҳати, айрим пайтда Бальзак кўпчиликнинг олдида бармоғи билан бурнини кавлаши ҳам мумкин эди. Бироқ у гапириб бошладими, суҳбатдошини мафтун эта оларди. Ёзувчининг сўзлаши жонли, чиройли бўлиб, гапнинг кифтини келтирарди.

Адиб антиқа анжомлар билимдони ва қадрловчиси бўлган. У олтин, кумуш ва феруза билан безалган дастали ҳассаларни йиғиб борган. Бундай коллекцияларидан бирида, дўстларига ўзи айтишича, маъшуқасининг сиймоси сақланган.

“Илтимос, танишайлик”

“Аёл, бу – эркак тановул қилишидан аввал ва кейин турлича тарзда қараши мумкин бўлган яхши тузалган дастурхон”, – деганди Бальзак. Шунга кўра, айтиш мумкинки, адиб хонимларга тансиқ овқатга қарагандек мумган. Бальзак ёш қизлар билан зерикарди. Унга ўрта қарааёллар ёқар ва бўлажак маъшуқалари билан танишганида: “Менинг ҳеч қачон онам бўлмаган. Шу боис ҳақиқий оналик меҳрини ҳис қилмаганман”, – дерди.

Ташқи кўриниши рисоладагидек бўлмаса-да, аёллар билан танишиш бобида адиб чинакам устомон артист даражасида бўлган. Бальзак маъшуқаларининг артисти ни шу қадар моҳирона буриб юборардики, бу хонимлар ҳеч қачон ўзаро дуч келмасдилар. Ёзувчининг муқаррар можаролардан муваффақиятли қочиб юрганининг сабаби ана шунда! Умуман айтганда, том-том асарлар ёзиш учун оғир меҳнат қилган адибнинг ишқий муносабатларга қандай қилиб вақт топганига ҳайрон қоласан, киши: 1200 та мактуб ёзган аёллардан айримлари у билан яқиндан танишишни истарди. Бальзак эса бундай таклифларни қўлдан чиқармаган. Адибнинг ҳусн-жамолини бошқалар қадрламай қўйган, юзи сўлғин ўрта ёшли аёллар билан танишуви муваффақиятли кечарди. Хонимлар ҳиссиётли, мулойим ва куч-қувватга лиммо-лим Бальзакни қўлдан чиқаришни истамасдилар.

Худди адабиётдаги услублари каби, адиб аёллар бобида ҳам турли-туманликка интилган. Унинг садоқат, вафодорлик бобида калтабин бўлгани борасида узоқ сўз юритиш мумкин, бироқ ҳаёти мобайнида ёқимли ва анчайин узоқ давом этган икки ишқий муносабатлари ҳақида ҳам эслаш жоиз.

Бальзак ёзувчилик фаолиятини бошлаганида ҳали бирорта аёл билан танишмаганди. 45 ёшли Лора де Берни ва 23 ёшли Бальзак ўртасидаги муносабат айна шу пайтларда куртак очди. Аллақачон бувига айланган бу хоним якка ўзи яшарди. Уларнинг муносабати 15 йил давом

этди. Бу орада Бальзак бой-бадавлат герцогиня д'Абрант билан аҳд-паймон қилишга ҳам вақт топди. Хонимнинг ёши 40 да эди. Бир жиҳатдан д'Абрантнинг жозибаси бойлигида ҳам бўлган. Бальзак билан яқин танишувдан сўнг у, ҳатто адибнинг қарзларини тўлай бошлаган. Аёллар ва шон-шуҳрат – бу икки иштиёқ ёзувчининг пулга муҳаббатини руҳлантирар, улар туфайли эҳтирослари жўш урарди. Аммо йиллар ўтиши билан Бальзак ижод ва ишқий кечинмаларини чалкаштириб, ошиқ ва ёзувчиликнинг фарқига бормаи қолди.

Ниҳоят никоҳ риштаси, бироқ...

1832 йили Франциянинг энг кўзга кўринган оқсуякларидан бири де Кастри томонидан дил изҳори рад этилган Бальзак дарғазаб бўлди. Афтидан у адиб билан танишганида ёқтирмаганини яшира олмаган биринчи хоним эди. Бальзак ўз романларидан бирида де Кастри устидан масхара қилиб ўч олди. Бироқ барибир бу кечинмани бошдан ўтказиши оғир кечди. Ўшанда Бальзак 33 ёшда бўлиб, ҳали қарзлари бисёр эди. Мадам де Берни кекса, адиб эса бадавлат хонимнинг ҳимоясига эҳтиёж сезарди. Худди шу дамда Украинадан “Нотаниш аёл” ёзган мактуб жонига оро киргандек бўлди. Бальзак жавоб хати юборди ва ўзаро ёзишмалар орқали хат муаллифи бароннинг рафиқаси Эвелина Ганская эканлигини билиб олди. Кейинги кунни Бальзак ва Эвелина Швейцарияда пинҳона учрашдилар. Учрашув чоғида ойдинлашдики, улар бир-бирларини мафтункор деб тасаввур қилишган, шунга қарамай, икки ўртада муҳаббат пайдо бўлди.

Бальзак ва Эвелина узоқ йиллар давомида бир-бирларига хат ёзишиб туришган. Эвелина, агар анча кексайиб қолган эри вафот этса, Бальзакка турмушга чиқишга ваъда берди. Вақти-вақтида эса Европа шаҳарларидан бирида Бальзак билан учрашиб турди. Адиб бундай дийдорлашувни “Бол ва олов” деб номлаганди. Қолаверса,

бу орада Бальзак бошқа аёлларга ҳам эътибор қаратар-ди. Жумладан, 24 ёшли Мария-Луиза де Фрес билан уч-эридан эканлигига ишонтира олди. Шундан сўнг Бальзак икки ой мобайнида “бағоят гўзал, энг чиройли аёл бўла-миш” Элленборо хоним билан учрашиб юрди. Яна бир аёл – Фрэнсис Лоувелл ўртасидаги ишқий кечинмалари эса беш йилга чўзилди. У ҳам Бальзакнинг қарзларини тўлаб юрди ва адибдан ўғил кўрди. Адиб энгилтак аёллар билан учрашувдан ҳам воз кечмасди.


1841 йили Эвелинанинг эри вафот этди ва Бальзак ўзини тийиши кераклигини тушунди. Бироқ адибдан фар-занд кутаётган Эвелина у билан турмуш қуришдан фар-тортди. Бола ўлик туғилди. Бальзак бошқа маъшукаси – Луиза Бреноль билан бирга яшай бошлади, бироқ сало-матлиги билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлди. Умри по-ёнига етаётганида эса Эвелинанинг раҳми келди ва улар турмуш қурдилар. Ўшанда илк учрашувларидан 17 йил ўтган эди.

Беш ойдан сўнг Бальзак тўшакка миҳланиб қолди. Ай-тишларича, у ўлими олдидан “Бианчони чақириб келин-лар” деб бақирган. Бу Бальзакнинг ўзи “Инсон комедияси” туркумида ўйлаб топиб ёзган қаҳрамонларидан бирининг фамилияси эди.

Оноре де Бальзак ҳаётдан кўз юмганида рафиқаси кўшни хонада ухлаб ётарди.

АДИБНИНГ УЧ МУҲАББАТИ

Фёдор Михайлович Достоевский. Жаҳон адабиётида чуқур из қолдирган истеъдодли ва машхур ёзувчи. Унинг асарлари дунё миқёсида миллионлаб инсонлар тафаккурига чуқур таъсир кўрсатган. Достоевскийни ўзининг севимли муаллифи деб ҳисоблайдиганлар жуда кўп. Жумладан, кўплаб ёзувчилар ёки, дейлик, француз актёри Жерар Депардье ва бошқа машхурлар унинг асарларини ҳанузгача мутолаа қиладилар. Достоевский китоблари бугунги кунда ҳам чоп этилмоқда, асарлари сахналаштирилиб, фильмлар суратга олинмоқда. Оддий ўқувчи, орадан юз йил ўтиб бўлса-да, сўзлари ва фикрлари долзарблигини йўқотмайдиган бу даҳо ёзувчининг шахсий ҳаёти ҳақида билавермаса керак. Ваҳоланки, Достоевский қисмат битигида бир қанча кўргиликлар ёзилган эди.



Оиладаги жанжаллар ва... тутқаноқ

Фёдор Михайлович Достоевский 1821 йил 30 октябрда Москвада Мария Фёдоровна ва Михаил Андреевич Достоевскийлар оиласида туғилган. Оила бошлиғи штаб-шифокор, қўли гул табиб бўлиб, талабчан ва жиддий одам эди. Мария Фёдоровна эса мулойим ва хушахлоқ, эрининг оғир феъл-атворини тушунадиган аёл бўлган.

Бўлажак ёзувчи оилада саккиз фарзанднинг иккинчиси эди. Болалар ўзаро аҳил-иноқ, бироқ ота-онасининг тез-тез рўй берадиган жанжалларига гувоҳ бўлишарди. Айнан отанинг феъли туфайли, Фёдор 16 ёшида биринчи жудаликни бошидан ўтказди – онаси вафот этди. Бу орада Фё-

дор ва акаси Михаил Москвадаги хусусий пансионатлардан бирида таҳсил олиб, Петербург ҳарбий-муҳандислик билим юртини тугатган талабаларига айланишганди.

1839 йили Достоевскийлар хонадони яна бир мусибатга дучор бўлди: мияга қон қуйилиши оқибатида оила бошлиғи ҳам ҳаётдан кўз юмди. Ўшанда турли миш-мишлар оралаб қолди: уни қўл остидаги деҳқонлар ўлдиришган ёки боённинг ўзи қизлар билан шакаргуфторлик қилаётиб, ўлгудек ичган-у ажал топган. Бу ҳақиқатми, йўқми, ҳеч ким аниқ айтолмайди, бироқ Фёдорнинг саломатлигига улкан путур етгани бор гап: Достоевскийни умрининг охиригача таъқиб қилган тутқаноқ биринчи марта ўшанда юз берди.

Отишга ҳукм

Билим юртини тугатган Фёдор чизма муҳандислик департаментига ишга кирди. Аммо 1844 йили ўзини адабий фаолиятга бахш этиш учун истеъфога чиқди. 1846 йили Фёдор Михайловичнинг биринчи қиссаси – “Бечора одамлар” эълон қилинди. Унга билим юртида ўқиган пайтидан буён таниш адабиётшунос Дмитрий Григорович ҳар томонлама ёрдам берганди. Ёш ҳаваскор ёзувчининг асарини айнан у Некрасовга олиб борди ва Некрасов ўзининг журналида чоп этди.

“Бечора одамлар” эълон қилинганидан сўнг жамоатчилик ёш ёзувчини рус адабиётининг умидли адиби сифатида тилга ола бошлади. Белинский Достоевский асарини юксак баҳолади. Бу, афтидан, ташвишлардан холи ижод йўлининг бошланиши эди, бироқ ёш ёзувчи олдинда улкан синовлар кутиб турганини қаердан билсин!

Достоевскийнинг илк қиссасидан сўнг эълон қилинган асарлари аввалги муваффақиятини таъминлай олмади. Қолаверса, у тақиқланган китоблар коллекциясига эга бўлган инсон – ташқи ишлар вазирлиги ходими Михаил Петрашевскийнинг ҳузурига бориб турарди. Ўзини декабристлар ишининг давомчиси ва утопик социализм

арафдори ҳисоблаган Петрашевский ёш ҳаммаслагига мазкур адабиётларни ўқиши учун бажонидил имконият яратиб берди.

Петрашевский ҳузурида энг оғриқли мавзуларни муҳофизат қилишни севадиган зиёли кишилар тўпланишарди. Улар тарғиб қилаётган ғоялар Достоевский учун ёт бўлиб, у вақтни ўтказмай, бу муҳитдан узоқлашиши ҳам мумкин эди. Аммо қисмат бошқа кўргиликни раво кўрди. Петрашевскийлар “Белинскийнинг Гоголга мактуби” асарини ўқишда айбландилар. Бу асар инқилобий адабиёт сифатида тақиқланган эди. 1825 йилдаги воқеалар такрорланишидан қўрққан Николай I ҳурфикрлиларни отишга ҳукм қилди.

Очилган ва ёпилган журнал

1849 йилнинг 22 декабрида тўққиз кишини қатл майдонидаги тахтасупага олиб чиқишди. Руҳонийнинг мусобаҳасидан сўнг дастлабки уч кишининг бошига кулоҳ кийдирилиб, устунга боғладилар. Аскарлар милтиқни кўтариб, ўқ узиш учун буйруқни кута бошлашди. Бир лаҳзада – ва ҳаммаси тамом. Ана шунда судланганларнинг жазоси алмаштирилгани эълон қилинди: отув тўрт йиллик сургун ва Сибирга юбориш билан ўзгарган эди. Ўлимга ҳукм қилинганлардан бири Николай Григорьев ақлдан озиб қолди (унинг қатл олдидagi кечинмаларини Достоевский “Телба” романида князь Мишкин сўзлари орқали ифодалаган).

1850 йилнинг январь ойида Достоевский Омск қалъасига олиб борилди. У жазони тўла-тўқис – 1854 йилгача ўтади. Сургундаги оғир меҳнат йиллари ёш ёзувчига инсон тимсоли ва тақдирини акс эттириш борасида бебаҳо тажриба ва имконият берди. Ёзувчи умрининг мазкур даврига бағишлаб “Ўлик уйдан мактублар” асарини ёзди ва бу китоб кейинчалик адабий классикага айланди.

Сургундан сўнг Достоевский Сибирь чегара батальони оддий жангчиси бўлиб ёзилди ва хизмат қилди. Шу билан бир қаторда ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклашни сўраб, 1856 йили

офицер унвонини олди. Орадан уч йил ўтгач, у хизматини ўтаётган Семипалатинскни тарк этди ва Тверга, кейин эса, ниҳоят яшаши учун рухсат берилган Петербург томон йўл олди. Бу ерда акаси Михаил билан "Время" ("Вақт") журналига асос солди. Тез орада нашр саҳифаларида "Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар", шунингдек, "Ўлик уйдан мактублар" чоп этила бошланди.

Цензура билан боғлиқ муаммо туфайли, 1864 йили журнал ёпилди. Шундан сўнг Достоевскийлар "Эпоха" ("Давр") номли янги журнал очдилар. Бироқ ушбу нашр узоққа бормади: ўша йилнинг апрелида ёзувчининг акаси Михаил ҳаётдан кўз юмди. Журналнинг охириги сони орадан бир йил ўтиб озгина ададда чоп этилди. Достоевский дам олиш ва дунё кўриш учун узоқ вақтдан буён орзу қилган Европа шаҳарлари бўйлаб саёҳатга чиқди. Аслида бу саёҳатдан яна бир мурад бор эди.

Наҳот ҳаёт зорланишлардан иборат?

Ҳар қандай инсон ҳаётида бўлганидек, муҳаббат кечинмалари Достоевский ижодига шубҳасиз таъсир кўрсатган. У ўзининг илк чуқур ҳиссиётларини сургундан сўнг бошдан ўтказган эди. Ёзувчи Семипалатинскда бўлганида муҳим топшириқлар бўйича амалдор шахснинг хотини Мария Дмитриевна Исаева билан танишди. Тақдирнинг турфа зарбаларини қарангки, эр ичкиликка муккасидан кетган, ёш болани хотини ўстирар, боз устига бечора бека сил касаллигига йўлиққанди. Шундай бўлса-да, Мария Исаева бетакрор ташқи гўзалликка эга эди (ҳар қалай унда французлар қони оқарди).

Достоевский Мария Дмитриевнанинг фазилатларини ўзининг қаҳрамонлари: Катерина Мармеладова, Катерина Верховенская ва Настасья Филипповнага сингдириб юборган. Аслида Мария Исаева инжиқ, салга хафа бўладиган аёл эди. У тез толиқар, бош оғриғидан азоб чекар, кўп зорланарди.

Мария Дмитриевна Достоевскийга соатлаб ранж-аламлари, шикоятларини дoston қиларди. У ёзувчининг

қалб ҳароратидан соатлаб баҳра оларди. Шу боис, тезда Достоевскийга боғланиб қолди, бироқ улар ўртасида қандайдир парда бор эди.

1855 йили Мария Дмитриевналар оиласини Кузнецкка кўчиришди. Ўша йилнинг августида Исаев вафот этди. Достоевский учун имконият туғилганди. Бироқ бахт йўлида яна тўсиқ пайдо бўлди: Вергунов фамилияли ўқитувчи Мария Исаевага гирдикапалак бўла бошлади. Достоевский унга йўл бериб, маҳбубасининг бахти учун ҳам ортига чекинди. Аммо Исаева эса айнан ёзувчини танлади. Ҳаммаси яхши бўлди, аммо... Достоевский бу никоҳидан бахтини топа олмади: унинг хотинидан фарзандлари йўқ, қолаверса, Мария Дмитриевнани эрининг ижоди зиғирча ҳам қизиқтирмасди. У ҳануз асабий, қандайдир жазовага тушган эди. Эр-хотиннинг ҳар иккаласи ҳам бир-бирларини абадул-абад севишига ишонтиришга уринар, ўзаро жанжаллашишар, ёзғиришар, зарда қилиб, маломат ёғдиришар, оқибатда тинкалари қурирди. Мария Дмитриевна ўтакетган тажанг аёлга айланиб, боз устига ҳалокатли сил уни тобора сиқиб борарди... Буларнинг ҳаммаси ёзувчи жисмида тутқаноқ хуруж қилишига сабаб бўлди. Ҳар иккиси ҳам ўз никоҳларини кўмиш арафасида эди. Ана шундай кунларда ёзувчининг ҳаётида бошқа аёл пайдо бўлди.

Ёш ва алдоқчи муҳаббат

1861 йил. Талабалар ҳузурида сўзга чиққан Достоевский олдида ёш мухлиса келди. У 22 ёшли Апполинория Сулова – Петербург университетининг тингловчиси бўлиб, ёзувчи истеъдодини ниҳоятда қардлашини айтди. Полинанинг (уйдагилари шундай деб чақирарди) отаси ўзи ва оиласини помешчикдан пул тўлаб халос қилган деҳқон эди. У фарзандларининг яхши таълим олишларига интилар, қизларининг ўқиши учун пулни аямасди.

Ўт олган ҳиссиётлар жўшқин муҳаббатга айланди, кейин эса тез орада мухлиса ва ёзувчини – ҳар иккаласини ҳам азобга гирифтор қилди. Бунинг боиси Достоевский-

нинг уйланганида эди. Ёзувчи хотини касал бўлгани билан ажраша олмас, бу эса Апполинаруияни қаноатлантирмасди.

Мария Дмитриевнанинг ўлимидан бир йил аввал Достоевский ва Сулова Парижга боришга қарор қилдилар. Фёдор Михайловичнинг ишлари битмай қолгани сабабли биринчи бўлиб Полина Россияни тарк этди. Ниҳоят Достоевский Парижга борганида эса... Апполинаруиянинг янги хуштор топгани маълум бўлди. У испаниялик ёш йигитча эди.

Маҳбубасининг янги ишқибозлиги Фёдор Михайловичга қаттиқ таъсир қилди, шунга қарамай, унинг ёнида қолди. Испаниялик билан ишқий алоқа тезда интиҳо топди (йигит кетиб қолди), бироқ Полина ва Достоевский муносабатлари ҳам тикланмади. Сулова ёзувчини ўзининг ёнидан узоқлаштирмас, таъбини хира қилиш учун ҳам, унинг хотини бўлишга кўнмасди. Орадан йиллар ўтиб, Полина ўзининг қай даражадаги шахс эканлигини кўрсатиб, ўзидан йигирма ёш катта бўлган танқидчи Розанов билан умр риштасини боғлади ва 20 йил мобайнида ажрашишга кўнмай келди.

Учинчиси – халоскор

Достоевскийнинг Апполинаруия билан муносабатларига унинг бўлажак иккинчи хотини, ёш стенографчи аёл Анна Сниткина нуқта қўйди. Айтиш мумкинки, у ёзувчининг “Қиморбоз”ни тугата олмай юрган пайтида тақдир томонидан ёрдам бериш учун юборилганди. Сниткина Достоевский ғояси асосидаги романи 26 кун давомида котибага айтиб туриб ёздирди. Ёзувчининг нашриёт билан шартномаси талаблари муваффақиятли адо этилганди. Шу фурсатдан эътиборан Анна ва адиб ажралмадилар.

Анна Сниткинани ҳақли равишда Достоевский қисматида битилган уч нафар аёлнинг энг донишманди деб айтиш мумкин. У ёзувчининг ижод қилиши учун барча шарт-шароитларни яратди, эрининг жўшқинлик билан

машғул бўладиган қимор ўйинлари ва ортиқча рашкларини кечирди, фарзандлар туҳфа қилди. Буларнинг ҳаммаси эвазига Фёдор Михайлович Сусловани унута олди. Айнан иккинчи никоҳи даврида унинг “Телба”, “Жинлар” ва “Оға-ини Карамазовлар” асарлари ёзилган. Достоевский учун Анна фаришта бўлиб, ўзининг сўнгги кунигача рафиқаси билан фахрланиб юрди.

Ёзувчининг ўлими

Фёдор Михайлович 1881 йил 28 январь кунини ўпка эмпиземаси (орган тўқималарининг кенгайиши ва унда ҳаво тўпланиши) касаллигидан вафот этган. Ёзувчи умрининг сўнгги дақиқаларини яқинлари муҳотида ўтказган.

26 январь кунини Достоевскийнинг синглиси Вера Михайловна ёзувчининг олдига келди. У акасига аммаси А.Ф.Куманинадан қолган Рязандаги мулкдан сингиллари фойдасига воз кечишни сўраб зорланди. Айтишларича, Вера Михайловна шу қадар кўз ёши тўкиб, дийдиё қилганки, шундан сўнг Достоевскийнинг бўғзидан қон келган. Афтидан, бу ёқимсиз ташриф ёзувчи касали – эмфиземанинг кучайишига туртки берган. Орадан икки кун ўтиб, Достоевский вафот этди.

Достоевскийнинг касаллиги тўғрисида машхур адиб Лев Толстой қуйидагиларни ёзган: “Телба” китобини ёмон дейишади, аммо бундан ҳам ёмони шуки, ундаги Мишкин эпилептик. У соғ одам бўлганида, соддадиллиги, беғуборлиги бизни мафтун қиларди. Аммо Мишкинни соғлом қилиб кўрсатиш учун Достоевскийда жасорат етишмаган. У соғлом кишиларни ёқтирмасди. Достоевскийнинг ўзи бемор бўлгани учун дунёни бемор деб биларди”.

Достоевскийдан сўнг Анна Сниткина 37 йил яшади. У эрининг тўпламларини чиқарди, машхур кишиларнинг таржимаи ҳолини ўрганувчилар ишига ёрдам берди. Анна Сниткина вафотидан ярим аср ўтгач, унинг хоки Ялтадан Александр-Невскийга – Достоевский қабрининг ёнига кўчирилди. Буни Сниткина бутун умр орзу қилган эди.

ИЖОД ВА САВДОЙИЛИК ОРАЛИГИДА



Ги де Мопассан (тўлик исм-шарифи – Анри-Рене-Альбер-Ги де Мопассан) француз ёзувчиси, машҳур романлар муаллифи. У дурдона асарлари билан жаҳон адабиётида ўзига хос из қолдирган. Ўн бир йиллик ижоди давомида 6 та роман, 18 та тўпلامга киритилган 300 га яқин новеллалар ёзган. Бундан

ташқари, Мопассан ҳикоялар, пьесалар, шеърлар, очерклар ва мақолалар борасида ҳам самарали меҳнат қилган.

Яхши ва ёмон хулқлар

Ги де Мопассан 1850 йилнинг 5 августида Франциянинг Дьепп шаҳрига яқин Миромениль қўрғонида таваллуд топган. Отаси – Густав де Мопассан Нормандияда ўрнашиб қолган лотаринг дворянларининг қашшоқлашган қавмидан эди. У учига чиққан хотинбоз бўлиб, кейинчалик оиласини тарк этди, болаларини эсламади ҳам.

Гининг онаси Лаура ле Пуатвен эса зиёли, бошқалардан ажралиб турадиган аёл эди. Лаура хоним эски ва янги тилларни билар, шеърятни севар, замонасининг истеъдодли кишилари билан дўстона муносабатда бўларди. У ўғлининг биринчи маънавий устози ҳамда ўлимига қадар доимий маслаҳатчиси, шунингдек, адабий танқидчиси ҳам эди.

Бўлажак ёзувчи Ко ўлкасида, ёмғир ювган соҳил бўйида, кошуан балиқчилари ва фермерлари муҳитида тарбияланди. У ана шу кишилар тилида гаплашди, уларнинг ҳикояларини тинглаб, яхши-ёмон хулқларини ўзлаштирди.

Мопассан болалигидан соғлом бўлиб ўсди. Буни алоҳида эътироф этишимиздан мақсад – онаси бутун умр асаб тизими касаллигидан азият чекар, укаси эса кейинчалик рухий беморлар шифохонасида вафот этганди. Бахтга қарши, Лаура ле Пуатвен фарзандларига нафақат меҳр-муҳаббат, балки хавфли хасталикни ҳам берганди.

Ги де Мопассаннинг тарбиясига қадрдон юрти – Нормандия анъаналари ҳам катта таъсир кўрсатди. Бу гўша мамлакат шимоли-ғарбидаги эски француз вилояти бўлиб, ҳавоси мусаффо эди. Нормандларнинг ҳаёти денгиз ва заминга, табиатнинг марҳамати ёки қаҳри қаттиқлигига боғлиқ бўлган. Мопассан балиқчилар ва деҳқонларнинг болалари билан бирга ўсди. У гўдаклигидан нормандларнинг бир фалсафасини ўзига сингдириб олди: ҳаёт қандай бўлса, шу тарзда қабул қилмоқ керак, табиатнинг қаҳри қаттиқ ва адоватли. Реалист бўлиш, ишонувчан бўлмаслик даркор!

Густав Флобер мактуби

Бола жасур, саёҳатларга орзуманд бўлиб ҳам ўсди. У қайиқда узок вақт сайр қилишни ёқтирарди. Ўн уч ёшида Гини диний семинарияга бердилар, бироқ тез орада бу даргоҳдан ҳайдалди. Мопассан Руан лицейида таҳсил ола бошлади. Бу илмгоҳда ўқиш чоғида ўзининг қобилиятли ўқувчи эканлигини кўрсатди, назм ва театр санъатига қизиқишини намоён этди. У шоир ва Руан кутубхонаси назоратчиси Луи Буйе билан дўстлашди. Шунингдек, ҳақиқий устозига айланган Флобернинг йўл-йўриқларини олди.

Мопассаннинг онаси ва тоғаси азалдан Густав Флобернинг дўсти эдилар. Унинг уйига Эдмон Гонкур, Альфонс Доде, Эмиль Золя, Ипполит Тэн ҳам ташриф буюришар, бўлажак ёзувчи улар билан шу тариқа танишганди.

1869 йили таҳсилни тамомлаган Мопассан онаси ва Флобернинг маслаҳатига кўра, ҳуқуқ соҳасини ўрганиш учун Парижга отланди. Аммо уруш барча режаларни чип-пакка чиқарди.

Оддий жангчи бўлган Мопассан мутолаа орқали билимини оширишга интилди, табиий фанлар ва астрономияга мурожаат қилди. Наслдан-наслга ўтадиган касаллик хавф солмаслиги учун эса кучли жисмоний машқларни бажариб, танасини чиниқтирди.

Уларнинг оиласи касодга учраши Мопассанни денгиз вазирлигига ишга кириш ва ўн йилга яқин вақт амалдор бўлиб қолишга мажбур қилди. Мопассан адабиётга интилди.

1873 йил февралда Флобер Гининг онасига хат ёзди: "Назаримда, бу йигитчамиз бекорчиликдан тентираб юришни яхши кўради ва ўтириб ишлашга унча мойил эмас. Мен унинг узун асар ёза бошлашини истардим, яроқсиз бўлсаям майли... Бу дунёда энг муҳими – олий доираларда руҳан парвоз қилишингдир".

Густав Флобер билан янада зич муносабат ўрнатган Мопассан ижодга берилди ва олти йил мобайнида ёзиш санъатини ўрганган. Бироқ ёзганларини йиртиб ташлайверди. Токи Флобер унинг асарларини етук ва услубий жиҳатдан расо ҳисобламагунча ҳеч қаерда чоп эттирмади.

Умуман, Мопассан ижодга қадам қўйганида қаршисида уч бўғинга мансуб адабий мерос – Стендаль, Бальзак ва Флобер танқидий реализми, В.Гюго, Ж.Санд, А.де Мюссе романтизми ҳамда Э.Золя ва ака-ука Гонкурлар пешқадам бўлган натурализм турарди.

Мопассаннинг биринчи ҳикояси 1880 йили олам юзини кўрди. "Les soirees dt Medan" тўпламида Золя, Алексис, Энник ва Гюисманс асарлари билан биргаликда нашр қилинди. Бошловчи ёзувчи енгил истеҳзоси, лўнда ифодалари, феъл-атворларни моҳирона очиб бериш салоҳияти билан адабий тўгаракларни ҳайратга сола бошлади.

Шундан сўнг Мопассан "Шеърлар" тўпламини чоп эттириб, назмдаги маҳоратини ҳам намоён этди. Тўплам кўпчиликка манзур бўлди. Шеърларидаги драматургия жанрига яқин салоҳият эътироф этилиб, муаллиф ан-

а-мунча тилга тушди. Шундан сўнг Мопассан амалдорлик ишини ташлаб, “Голуа” газетасида фаолият кўрсата бошлади.

Ўша йили Флобер ҳаётдан кўз юмди. Натижада Мопассаннинг ёзувчи ва рассомлар билан муносабати узилди ва Эмиль Золя, Сезанн, Моне, Мане каби ижодкорлар билан кам кўришадиган бўлди. Бу муҳитнинг ўзгаришининг ҳаёт тарзига ҳам таъсир кўрсатди. Мопассан Монпеллиедаги 10-хонадонга жойлашди.

Янги новеллачилик

Дастлаб Мопассан Золяни машхур қилган йўлдан кетган бўлса-да, воқеликни тасвирлашда маиший тафсилотлар, икир-чикирлар билан чекланиб, умумлашмалардан очадиган натурализм мактабини унча хушламас, бундай руҳдаги асарларни тор ва бир томонлама ҳисобларди. “Пьер ва Жан” романи сўзбошисида у реализмдаги ақиқатпарастликни муҳокама қилади, ўз қарашларини моҳирона ифодалаб, ҳақиқатга йўғрилган субъектив дунёқарашини ўқувчига аниқ ва равшан очиб беради.

Мопассан фикрича, ижод дегани фақат бадиий асарларда тасвирланган воқеалар занжири билан жалб этмаслиги керак. У кундалик ҳаётни намоён этувчи асосий ўнашлишни моҳирона очиб беришдан ҳам иборатдир.

Юқорида айтганимиздек, ўн бир йил мобайнида Мопассан мазмун-моҳияти номида жо бўлган талай қиссалар ёзди. Шунингдек, “Ҳаёт” (1883), “Азизим” (1885), “Монт-Ориоль” (1887), “Пьер ва Жан” (1888), “Ўлимдек учли” (1889), “Бизнинг қалб” (1890) романларини эълон қилди. “Қуёш остида” (1884), “Сувда” (1888) ва “Кўчманчи ҳаёт” (1890) асарлари эса муаллифнинг саёҳати давомида бошдан кечирган ўй-хаёллари маҳсули эди.

Мазкур асарлар Мопассаннинг француз янги новеллачилиги юқори поғоналаридан жой олишига замин яратди. Мамлакатнинг кўзга кўринган танқидчилари Мопассан ижоди борасида яқдил фикрга эга эдилар. Эмиль Золя

эътирофича, у ҳиссиётларни нозиклик ила жўш урдирди. Мулойим мутойиба ва қувлик билмас сурур воситасида омма эътибори ва ҳурмати қозонди. Жорж Леметр Мопассанни классик ёзувчи деб атади.

Ги де Мопассан рус адабиётига Тургенев туйғайли келиб келди. У Мопассанни Флобер орқали билиб олди ва бевосита граф Лев Толстой издоши сифатида таърифлади. Толстойнинг ўзи ҳам Мопассан ижодига бир қадар хайрихоҳ муносабатда бўлган. Ҳатто ўзининг XIII томида бутун бошли мақолани Мопассан китобларига бағишлаган. Толстой фикрича, “Ҳаёт мазмунини аёл ва муҳаббатда... деб, буни бор даҳшати билан аниқ, яққол кўрсатувчи, умрнинг юксак бахт-саодатини самимий тарзда ана шу “даҳшат”да деб ҳисобловчи бошқа ёзувчи бўлиши дарғумон”.

Ги де Мопассан асарлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. “Азизим” романи Иброҳим Ғафуров, “Ҳаёт” Эркин Носиров, “Дўндик”, “Асирлар”, “Мадмуазель Фифи”, “Дарбадар”, “Оқсоч қиз саргузашти”, “Алвасти” ва бошқа новеллалари Зумрад Орифжонова томонидан ўзбекчага ўгирилиб, чоп этилган.

Кулфатларни даф қилиб бўлмайди

Мопассан ижодида жонажон ватани Нормандия манзараси – денгиз ва шаҳар тасвири, майда деҳқонлар ва хизматкорлар муҳим ўрин эгаллайди. Бироқ ёзувчи фақат Нормандияни акс эттирмаган. Унинг машҳур асарларидан бири – “Азизим”да воқеалар Парижда рўй беради. Мопассан бу романида Париж жамиятининг турли қатлами, асосан, юқори табақа ва йирик ишбилармонлар ҳақида сўз юритади. “Ўлимдек кучли” романи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Майда ва кенг буржуазия вакиллари эса унинг “Васиятнома”, “Жавоҳирот”, “Икки дўст” новеллаларида акс этган. Алхусус, Мопассан қаҳрамонлари оддий оила аъзолари, енгил кун кечирувчилар, ўз манфаати йўлида ҳеч нимадан қайтмайдиган кишилардир.

Мопассаннинг фикрича, ҳаётдаги кулфатларни даф қилиб бўлмайди. Айнан шу боис, ёзувчи тушкун ва ҳаммадан кулаверадиган мазахчига айланади.

Бахт ортидан абадий ва беҳуда югурадиган одамларнинг заиф, камбағал ва аҳмоқлигини кузатган Мопассан инсон онг-шуурига чуқурроқ кирмоқчи бўлди. У одамлардан узоқлашиб, шахсий ҳаётини сирлилик билан қуршаб олди.

Болалигида рўй берган икки ҳодиса Мопассаннинг кейинги ҳаётига қаттиқ таъсир қилган эди. Биринчиси – 11 ёшда бўлганида ота-онасининг ажралиши эди. У иродали ва сарбаст онасининг қўлида қолди. Ги волидасини жудаям яхши кўрар, отасидан нафратланарди. Бундай нафратни умрининг охиригача сақлади ва бўйдоқлигича қолди. Иккинчи ҳодиса эса – Мопассаннинг захм билан касаллангани аниқлангани эди. Мазкур хасталик ота-онасидан ўтган бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Мопассан айтишча, кейинроқ уни бу кўрқинчли хасталиқдан даволаштан, бироқ ўлими сабаби захм эди.

Мопассан асарлари нафақат Францияда, балки бошқа давлатларда улкан муваффақият қозонди. У ёзганлари дарҳол таржима қилинадиган фаранг адибларидан бирига айланди. Шон-шуҳрати туфайли Мопассаннинг даромади йилига 60 минг франкни ташкил этди. Бу эса онаси ва касалманд укасини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлади.

1883 йили Мопассан Этрет ва Каннда ўз уйига эга эди. Умри ниҳоясида унинг тўртта вилласи ва иккита яхтаси бор эди. Мопассан қайиққа ўтириб, кунига 50 миль ҳам сузиши мумкин эди.

Мопассан нафақат моҳир ёзувчи, балки мислсиз... эшиқ ҳам бўлган. У чорак аср давомида мингдан ортиқ аёл билан танишиб, ишқий саргузаштлар оғушида юрди. Ёзувчи танишган аёлларнинг аксарияти эрли, уйли-жойли эди. Айтишларича, Мопассан адабий асарларидан кўра, ана шундай кечинмалари билан фахрланган. У қаерда мафтункор аёлни кўрса, танишиб ўзига оғдириб олиш пайида бўларди.

Маъшуқалари азбаройи кўплигидан ёзувчи улар билан бир марта учрашарди, холос. Фақат ёш бойвучча аёл Мари Канн билан саккиз йил учрашиб юрди. Мопассан унга 2200 та ишқий мактуб ёзган. Адиб узоқ вақт учрашиб юрган аёллардан яна бири эса Бланш Рузвельт учрашиб тадир. Америкада туғилган Бланш Миландаги дворянча эрга теккан ва маркизага айланганди. Бланш айтишича, Мопассан унинг ҳаётига унутилмас дақиқаларни тухфа қилган.

Руҳий зарбалар

Мопассан ижодий фаолиятининг сўнгги босқичларида тасвирий воситалардаги нафисликка интилиш сезилади. Адибни оддий тимсоллар қониқтирмай қўйган. У эшитиш, товуш ва ҳид сезишга оид таассуротларнинг бир-биридан алоҳида ҳолдаги янги қоришиқ тимсолларни излади. Бундай тимсоллар бор бўйи билан намоён бўлишини истар эди у. Мопассан ниятига етди дейиш мумкин.

Адибнинг ёши улғайган сари ўзини касал деб ваҳимага тушиши ва шунинг натижасидаги асабий умидсизлик ҳолати (ипохондрия) ҳамда кўнгил қолиши туфайли воқеаларни идеаллаштиришга мойиллиги кучайди. Ҳис-туйғуларидан сизиб чиқаётган саволларга жавоб топа олмаган ёзувчи ўта безовта бўларди. Бундай кайфият бир қатор қиссалари, жумладан, “Орля”да ўз аксини топди.

Ақлдан озиш, руҳий сиқилиш ва шу билан боғлиқ касалликлар Мопассан ижодининг бошқа мавзулари кўламини ташкил этади. Масалан, “Саватсоч”, “Эрме хоним” каби асарлари шундай сўзлар билан бошланади: “Мени ақли заифлар мафтун этади”.

“Ҳаёт”, “Азизим”, “Ўлимдек кучли” асарларида эса ўлим ва вайронагарчилик мавзусига мурожаат қилинган. Мазкур асарлардаги тушкунлик бахтли муҳаббат учун маскан йўқлигини акс эттирса, бунга қарама-қарши ўлароқ, “Пьер ва Жан”, “Табиатга йўл” каби романларида сув, денгиз мавзуси ёритилиб, истиқболли севги панох топиши мумкинлиги ифодаланади.

1884 йилдан эътиборан Мопассан асаб бузилиши, мия ўрнашиб қолган ғоялар ва галлюцинация (йўқ нарса-арнинг кўриниши, эшитилиши ва сезилиши)дан азият эка бошлади. Ўзини ўлдиришга уринганидан сўнг ўлигига қадар доктор Бланшнинг Пассидаги клиникасига қизилди. Унинг укаси ҳам руҳий беморлар шифохонада ётиб жон берганди.

Ҳаддан зиёд ақлий зўриқиш ёзувчининг саломатлигига таъсир кўрсатганди. Қолаверса, болалигидаги оғир асталик – захм хуруж қилди. У асабий тутқаноқ – қуёнчиқ асаллиги билан оғриди.

Мопассан руҳиятидаги хотиржамликни тиклашга тиббиёт ҳам, “Revue des Deux Mondes” журнали билан ҳам-эрлик ҳам, “Musotte” комедиясининг саҳналаштирилиши амда “Рўзғор тинчлиги” комедиясининг академик муколотга сазовор бўлиши ҳам ёрдам бермади.

1891 йил декабрь ойидаги асабий тутқаноқлар ўз жойига қасд қилишгача олиб борди. Пассидаги руҳий беморлар шифохонасида Мопассан аввалига ўзига келди, ироқ кейин яна тутқаноқ бошланди. 1893 йили мия фаолиги кучайди ва ўлим содир бўлди.

СОВУҚ ЎЛКАЛАРДА ҚОЛГАН АРМОНЛАР



Антон Чехов – рус ё
чиси, жаҳон адабиётин
умум тан олган клас
адиби. Мутахассисл
бўйича шифокор. Импе
тор академиясининг о
ки ва ёзма нафис адаби
бўйича фахрий академи
Дунё миқёсида маш
драматурглардан би
Чехов асарлари жаҳонн
юздан зиёд тиллар
таржима қилинган. Ун
пьесалари, жумлас

“Чайка”, “Уч опа-сингиллар” ва “Олчали боғ” юз й
дан буён дунё театр саҳналарида қўйиб келинмо
25 йиллик ижоди мобайнида Антон Чехов 900 га я
турли-туман асарлар (қисқа юмористик ҳикоя
жиддий қиссалар, пьесалар) яратди. Уларнинг а
рияти жаҳон адабиётининг классикасига айлан
Айниқса, “Дашт”, “Зерикарли тарих”, “Дуэл
“6-палата”, “Ғилофдаги одам”, “Олчазор” кенг
манинг эътиборини қозонди...

Болалиқда – қоровуллик

1860 йилнинг 17 (29) январида Россиянинг Таганро
ги Полиция кўчасида яшовчи Павел Егорович Чехов
ласида учинчи фарзанд – Антон дунёга келди. Унинг с
си ғалати одам эди. Павел Егорович Таганрогда бақ
лик дўконига эга бўлиб, бироқ жон куйдириб ишламас
У черковда хизмат қилиш, ашула айтиш ва жамоатчи
ишларига асосий эътибор қаратарди. Оилада эркак
мавқеи устун эди: болалар қаттиққўллик билан тарбия
нар, уларга нисбатан тез-тез жисмоний жазо қўлланил
ҳеч кимнинг бекорчилик қилишига йўл қўйилмасди. Д

олиш кунларида, мактабдан сўнг, ака-укалар отасининг дўконига қоровуллик қилишар, ҳар куни эрталаб соат бешда туриб эса черков хорида куйлашарди. Чехов ўзи айтганидек: *“Менинг болалигимда болалик бўлмаган”*. Кечқурунлари хор бўлиб куйлашарди. Ота скрипкани қойилмақом чалар, Маша фортепианода жўр бўлар, хуллас, бутун бошли оилавий томоша ташкил этиларди.

Оила бекаси Евгения Яковлевна деҳқоннинг қизи эди. У болалари ва эри учун яшайдиган ғамхўр ва меҳрибон аёл бўлган. Евгения Яковлевна ювош бўлиб, фарзандларини ҳамиша эрининг қаттиққўллигидан ҳимоя қиларди. У театрни ҳаддан зиёд ёқтирар, бироқ камдан-кам борарди. Болалигида Таганрог хусусий пансионидида рақс ва яхши хулқ-атвордан сабоқ олган Евгения Яковлевна фарзандларига кўнгилчанлик, ожизлар ва мазлумларга нисбатан ҳурмат-иззат, табиат ва оламга муҳаббат туйғуларини сингдирди. Антон Чехов кейинчалик шундай деганди: *“Менинг истеъдодим отам туфайли, қалбим эса онам боис камол топди”*.

Бўлажак адиб Таганрогдаги грек мактабида таҳсил ола бошлади. 1868 йилнинг 23 августида эса у Таганрог гимназиясининг тайёрлов синфига қабул қилинди. Ўғил болалар классик гимназияси Россия жанубидаги эски ўқув даргоҳларидан бири эди (1806 йили тижорий мақсадларда ташкил этилиб, 1866 йилдан эътиборан классик илмгоҳга айланган). Гимназияда Антоннинг дунёқараши, китобга муҳаббати, театрга қизиқиши шаклланди. Бу ерда у ўқитувчи Фёдор Платонович Покровский томонидан биринчи адабий таҳаллуси – “Чехонте”га эга бўлди. Адабий ва саҳнага оид илк билимлари ҳам гимназияда шаклланди.

Бу орада 1876 йили Чеховлар оиласи Москвага кўчди. Таганрогда савдо ишлари юришмаган Павел Егорович касодга учраган ва кредиторлардан қочишга мажбур бўлганди. Москвада деярли уч ой мобайнида қашшоқликда яшашди. Шунга қарамай, болалар ўқишни давом эттирдилар. Антон эса репетиторлик орқасидан пул топиб, гимназиядаги таҳсилини тугатгунча Таганрогда қолди.

Адабиёт ва тиббиёт

Муסיқа ва китоблар ёш Чеховнинг ижодга қизиқишини уйғотди. Бу борада Таганрог театри катта аҳамият касб этди. Антон илк бор 13 ёшида театрга борган, Жак Оффенбахнинг “Гўзал Елена” опереттасини кўрган ва театрнинг ашаддий мухлисига айланган эди. Кейинроқ Чехов ўз мактубларида шундай деб ёзади: “Театр менга қачонлардир кўп нарса берган... Энг аввало, менинг театрда ўтиришим катта лаззат бахш этарди”. Унинг “Фожиявий роллар ўйновчи”, “Комик”, “Бенефис”, “Товуқ беҳуде куйламади” номли дастлабки ҳикоялари қаҳрамонлари актёр ва актрисалар бўлгани тасодиф эмас. Антон гимназиядаги ўртоғи Андрей Дроссининг уйдаги спектаклларда иштирок ҳам этган.

Гимназиячи Чехов юмористик журналларда асарларини эълон қилди, расмларга тагсўзи топди, мутойиба ҳикоялар, сахна чиқишлари ҳақида ўйлади. Унинг “Отасизлик” номли биринчи драмаси 18 ёшида гимназияда таҳсил олаётган чоғида ёзилган эди. Айнан таҳсил йиллари Чеховнинг ижодий ишлари учун бой манба берди, шахсияти, маънавий дунёқараши камолга етиши ва шаклланишини таъминлади. Унинг асарларида бошқалардан ажралиб турадиган, характерли образлар пайдо бўлди. Шундай қаҳрамонлардан бири математика ўқитувчиси, кейинчалик ҳарбий кўмондонга айланган Эдмунд Дзержинский бўлгани ҳам эҳтимолдан холи эмас.

1879 йили Чехов Таганрогдаги гимназияни тугатди. Москвага йўл олди ва университетнинг тиббиёт факультетига ўқишга кирди. Бу даргоҳда Николай Склифосовский, Григорий Захарин каби таниқли профессорлар кўлида таҳсил олди. Худди шу йили Антоннинг укаси Иван Москва яқинидаги Воскренский шаҳри мактабига ўқитувчи бўлиб ишга жойлашди. Унга бутун оила жойлашиши мумкин бўлган катта квартира берилди.

Москвада тиқилиб яшайдиган Чеховлар ёзда Иваннинг ана шу гўшасига келишарди. Воскресенскийда Антон доктор П.Архангельский билан танишди, у Воскре-

енский (Чикинский) даволаш муассасаси мудирини бўлиб ишларди. 1882 йили Чехов талаба сифатида беморларни дабул қилишда шифокорларга ёрдам берарди.

1884 йили у университетни тугатди ва Чикинский даволаш муассасаси уезд врачини бўлиб ишлай бошлади. Бу ҳақда П.Архангельский хотираларида шундай дейилган: *“Антон Павлович шошилмай иш юритар, баъзида ҳаракатларида ишончсизлик бордек туюларди. Аслида у ҳаммасини диққат билан сидқидилдан амалга оширарди. Айниқса, беморга нисбатан самимий ҳурмат-эҳтироми кўриниб турарди”*.

Кейинроқ Чехов Звенигородда ишлади, маълум вақт шифохонани бошқарди.

“Огоҳлантириш” хати

1879 йилнинг 24 декабрида биринчи курс талабасини бўлган Чехов “Стрекоза” журналида “Олим кўшнига мактуб” ҳикояси ва “Романлар, қиссалар ва шунга ўхшаш асарларда энг кўп учрайдиган жиҳатлар” ҳажвиясини эълон қилди. Бу унинг нашрдаги биринчи чиқиши эди.

Шундан сўнг Чехов ҳикоялар, фельетонлар, жажжи ҳажвий асарлар ва “Қора талоқсиз одам” ҳамда бошқа вариантларни Антоша Чехонте тахаллусини билан ёки имзосиз чоп эттирди. Мазкур асарлар Москванинг “кичик матбуот” нашрларида, “Будильник”, “Зритель” журналлари ва Петербургнинг “Оскольки”, “Стрекоза” юмористик ҳафтаномаларида эълон қилинди. Ёш адиб “Петербургская газета”, “Новое время” ва “Русские ведомости” билан ҳамкорлик қилди.

1882 йили Чехов “Шўхлик” номли биринчи тўпламини тайёрлади, бироқ цензура тўсқинлиги туфайли у чиқмай қолди. 1884 йили адибнинг “Мельпоменлар ҳикоялари” китоби нашр этилди.

1885 – 1886 йиллар Чеховнинг “беллетрист-миниатюрчи” – қисқа ва асосан мутойиба ҳикоялар муаллифи сифатидаги камол топиш даври ҳисобланади. Ўзининг айтишича, ўша пайтларда у ҳар куни бир саҳифадан ҳи-